



XASR

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

2016-YIL 30-IYUN, PAYSHANBA, 26 (658)-SON

e-mail: xxi_asr@umail.uz, web sayt: www.21asr.uz



Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ НУТҚИ

Илгари хабар қилинганидек, шу йилнинг 22 июнь куни Президент Ислам Каримов мамлакатимизга давлат ташрифи билан келган Хитой Халқ Республикасининг Раиси Си Цзиньпин билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида бўлиб, депутатлар ва сенаторлар билан учрашди. Қуйида давлатимиз раҳбарининг мазкур учрашувда сўзлаган нутқи матни эълон қилинмоқда.

Муҳтарам Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин жаноблари!

Қадрли хитойлик дўстлар! Хурматли депутатлар!

Бугун шу муҳташам залда нафақат мамлакатимиз интеллектуал оламнинг таниқли намояндalари, айни вақтда, таъбир жоиз бўлса, бутун Ўзбекистоннинг тисмоли, халқимиз барча қатламларининг вакиллари бўлган инсонлар йиғилган. Юртимизда содир бўлаётган улкан ислохот ва ўзгаришларга, Ўзбекистоннинг барқарор суръатлар билан ривожланишига, бир сўз билан айтганда, биз эришаётган муҳим ютуқларга муносиб ҳисса қўшаётган, бу жараёнларда депутат ва сенатор бўлишидан аввал ҳам фаол иштирок этган одамлар ўтирибди.

Бугун сиз, азизлар – парламентимизнинг ҳар икки палатаси вакиллари ўз юксак мақоми билан мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш жараёнларининг ҳаракатга келтирувчи кучи сифатида фаолият кўрсатмоқдасиз. Сизларнинг орангида мен доимо "азиз фарзандларим" деб ўз меҳрим ва эътиборимни билдирадиган ёш авлодимизнинг ҳам қўллаб-қувватлаши билан мени айниқса хурсанд этади. Ишонаманки, сизлар нафақат ёшларимиз, балки бутун Ўзбекистон халқининг манфаатларини ифода этасиз.

Хозирги вақтда юртимизда турли соҳаларда қўлга киритилган улкан натижалар сайловларда сизу бизга ишониб, овоз берган одамларнинг, халқимизнинг орзу-ниятлари албатта амалга ошади, деб айтишга тўла асос беради.

Мана, ўзингиз гувоҳсиз, бугунги кунда биз кейинги ўн йил давомида дунёдаги санокли давлатлар қаторида ялли ички маҳсулотнинг ўсиши бўйича 8 фоиздан зиёд кўрсаткичга эришмоқдамиз. Бундай юксак марраларга эришиш учун бизнинг ривожланган хорижий давлатлар, жумладан, яқин ҳамкоримиз бўлган, бизнинг дўстимиз Си Цзиньпин раҳбарлик қилаётган Хитой мамлакатининг тажрибасини ўрганиб иш олиб бораётганимиз сизларга яхши маълум. Хитойнинг қандай катта ўсиш суръатлари билан амалда бўлиши, бир пайтлар мамлакат ялли ички маҳсулотининг йиллик ўсиши 10-12 фоизни ташкил этганидан ҳам сизлар албатта хабардорсиз.

Шу ўринда бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: бу залда Ўзбекистонга ким амалда дўсту ким оғизда дўст эканини яхши биладиган одамлар ўтирибди. Бу ҳақда гапиришимнинг боиси шунда-

ки, бизнинг бундай ўсиш суръатларимизга қандайдир гайрилик билан қарайдиганлар ҳам, афсуски, йўқ эмас. Биз фақат бир нарсани, яъни, бутун инсоният каби, дунёнинг энг илғор ва ривожланган давлатлари каби муносиб ҳаёт кечиришни истаимиз. Хозирги кунда Хитой шундай юксак ривож топган давлатлардан бири эканини алоҳида таъкидламоқчиман.

Бугун биз ўз зиммасига катта бир масъулиятни – Хитой Халқ Республикасида буюк давлатни ислоҳ қилишни изчил давом эттириш вазифасини олган етакчи билан учрашиб турибмиз. Ҳаммамиз яхши билламитиз, ислохотчи шахсларнинг ҳаёти осон кечмайди. Ислохотчи бир ишни бошлагани, уни охиригача етказмасдан қўймайди, ўз мақсадига етмагунча ҳеч қачон тиниб-тинчимайди. Бугун жаноб Си Цзиньпин ўзаро суҳбатини давомида ўз мамлакатни буюк хитой ислохотчиси Дэн Сяопин раҳбарлик қилган даврда, улкан натижаларга эришганидан буён 25-30 йил ўтганини, бугунги ҳаёт талабларини чуқур англаган ҳолда, у ана шундай ўта оғир ва мураккаб вазифани, яъни Хитойни янада тараққий топган давлатга айлантириш масъулиятини ўз зиммасига олганини айтди. Хозирги вақт-

да Хитой мамлакатининг Раиси раҳнамолигида ана шу тараққийёт йўлини изчил давом эттираётганини барчамиз кўриб турибмиз.

Биз ҳам ўзимиз танлаган, ҳар томонлама чуқур ўйланган ислохотлар йўлидан қатъият билан бориб, улкан муваффақиятларга эришмоқдамиз. Лекин, ҳаммамиз яхши тушунамизки, ўз олдимизга қўйган буюк мақсадларга етиб бориш учун бу ҳали етарли эмас. Авваламбор, янада жадал тараққий этишимизга ҳалақит қилаётган, йўлимизда гов-тўсиқ бўлиб турган айрим масалаларни қайта кўриб чиқишимиз зарур. Бу, албатта, ниҳоятда масъулиятли вазифадир.

Бу ҳақда гапирганда, бир ҳақиқатни алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Мамлакатимиз мустақил тараққийёт йўлига қадам қўйган дастлабки йилларда бизга ҳеч қим четдан келиб ёрдам бергани йўқ. Агар 25 йил олдинги тарихга назар ташлайдиган бўлсак, юртимиз қандай оғир аҳволга тушиб қолгани яққол аён бўлади. Бизга эски мустабид тузумдан бирёқлама ривожланган, пахта монополияси авж олган, асосан хомашё етказиб беришга мослашган заиф ва ноҳор иқтисодий мерос бўлиб қолган эди. Пахтали ўзимиз етиштирар эдиг-у, лекин унинг нархи амалда қанча эканини билмас эдик. Уни фақат хомашё сифатида билардик, холос. Қайта ишланган пахта собик Марказга кетар, уни четга сотиш билан ҳам фақат Марказ шугулланар эди.

Давоми 2-саҳифада

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ РАИСИ СИ ЦЗИНЬПИННИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам Президент Ислам Каримов!

Хурматли депутатлар, хонимлар ва жаноблар!

Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида бўлиб ўтган расмий музокаралар чоғида биз Президент Ислам Каримов билан Хитой ва Ўзбекистоннинг сиёсий жиҳатдан бир-бирини ўзаро қўллаб-қувватлашни мустаҳкамлаш ҳамда ҳудудий, суверенитет ва хавфсизлик масалалари бўйича энг муҳим манфаатларимизни биргаликда илгари суриш юзасидан келишиб олдик.

Биз давлатларимиз томонидан танлаб олинган ривожланиш йўлини ўзаро қатъий қўллаб-қувватлашимиз,

сиёсий барқарорлик ва давлат ҳокимияти хавфсизлигини ҳамкорликда таъминлаймиз. Тараққийёт йўлидаги амалий ҳамкорлигимизни ҳар томонлама чуқурлаштириш, ривожланиш стратегиясини мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий алоқалар имкониятларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш қувватлари, инфраструктура, энергетика ва қишлоқ хўжалиги соҳалари бўйича ҳамкорлигини янада жонлантириш ишларини амалга оширамиз. Шунингдек, Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклигини мазмунан тўлдириш мақсадида ҳамкорлик доирасидаги устувор лойиҳаларни янада оширишга, маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни кенгайтиришга, хавфсизлик бўйича ҳамкорлигини

мустаҳкамлашга ҳамда халқаро майдондаги ишларни мувофиқлаштиришни кучайтиришга аҳамият қаратамиз.

Хитойда "Дўстинг қанча кўп бўлса, йўлинг шунча кен бўлади", деган мақол бор. Олий Мажлис аҳоли турли қатламларининг энг нуфузли вакиллари ўзида мужассам этади, сиз эса, хурматли депутатлар – Хитой халқининг дўстларисиз. Ўйлайманки, сиз келажакни кўра билган ҳолда, Хитой – Ўзбекистон алоқаларини янада раванқ топтиришга, ҳамкорлигимизни қўллаб-қувватлаш ва дўстлигимизни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшасиз.

Хонимлар ва жаноблар, азиз дўстлар!

Ўзбекистонга ташрифимиз кун тартибидан яна бир муҳим тадбир – Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент саммитида иштирок этиш ҳам ўрин олган. Жорий йилда ташкилотимиз тузилганига 15 йил тўлади. Ўтган йиллар давомида ШХТ "Шанхай руҳи"ни, яъни, ўзаро ишонч ва манфаатдорлик, тенг ҳуқуқлилик, маслаҳатлашулар,

маданиятлар ранг-баранглигига хурмат ва ҳамкорликда тараққийётга интилиш таъминлашнинг ривожлантириш бориб, халқаро муносабатларнинг очиқлик, ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш ва умумий ютуқларга эришиш принциплари асосидаги янги намунасини фаол илгари сурган ҳолда минтақа барқарорлиги ва фаровонлигига муҳим ҳисса қўшди. Ташкилот такомиллашгани сари кенга-

йиб бормоқда ва бугунги кунда ШХТ оиласида Марказий, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиёда жойлашган 18 та давлат мавжуд. Ташкилот доирасидаги ҳамкорлиқнинг салоҳияти тобора кўпроқ намоён бўлмоқда. Унинг халқаро майдондаги мақоми ва таъсири тобора ошмоқда.

Ўзбекистон ШХТга раислик қилган мамлакат сифатида Ташкилот доирасида йўлга қўйилган кўп қиррали ҳамкорликда амалий натижаларга эришишда улкан ҳисса қўшди. Бунинг учун Президент Ислам Каримовга, Ўзбекистон ҳукумати ва халқига самимий миннатдорлик билдирмоқчиман. Хитой томони Ўзбекистонлик ҳамкорлар ҳамда Ташкилотга аъзо бошқа давлатлар билан Тошкент саммитини янги старт нуқтаси сифатида қабул қилиб, минтақа мамлакатлари ва халқлари раванқий йўлида ШХТ доирасидаги ҳамкорлик даражасини ҳар томонлама юксалтиришга тайёрдир.

Ўзбек халқининг Буюк шоири Алишер Навоий ўз шеърларида айтганидек, "мен халқим бахтли ва фаровон яшашини истаيمان". Бу зағу истакни бизнинг умумий мақсадимиз ва абадий орзу-ниятимиз деб ҳисоблайман. Шунингдек, Хитой ва хитой халқи Ўзбекистон ҳамда дунёдаги бошқа мамлакатлар халқлари билан биргаликда инсоният тинчлиги ва тараққийётга хизмат қилишдек олий мақсад йўлида доимо қўлни-қўлга бериб ҳаракат қилишга тайёр эканини билдирмоқчиман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 29 июнь куни Оқсаройда Польша Республикаси, Венгрия Республикаси, Козоғистон Республикаси, Тожикистон Республикаси, Корея Республикаси ва Афғонистон Ислам Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган Петр Ивашкевич, Петер Санто, Ерик Утембаев, Содик Имомий, Квон Ён У, Сайид Шавобиддин Темирийдан ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олди.

Давлатимиз раҳбари Европа ва Осиё дипломатик миссиялари раҳбарларини самимий қутлар экан, Ўзбекистон ушбу давлатлар билан ўзаро муносабатларни изчил ривожлантиришга алоҳида аҳамият беришни таъкидлади ва уларнинг масъулиятли фаолиятига муваффақият тилади.

Польша элчиси билан учрашувда мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабат ўрнатилганидан буён ўтган 24 йил давомида кўп қиррали ва самарали

мулоқот йўлга қўйилиб, сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро ҳамкорлик бўйича ижобий тажриба тўплангани ва ҳамкорлиқнинг қарийб 50 ҳужжатдан иборат салмоқли шартномавий-ҳуқуқий асоси шаклланиши таъкидланди.

Петр Ивашкевич Ўзбекистон халқи польшаликлар қалбидан алоҳида жой олганини таъкидлади. Польшада Иккинчи жаҳон уруши йилларида тақдир тақозоси билан Ўзбекистонга келиб қолган фуқароларга кўрсатилган ёрдам юксак

қадрланади ва бу ўзаро муносабатларга алоҳида самимият бағишлайди.

Венгрия элчиси билан суҳбатда Ўзбекистонда Венгрияга мамлакатимизнинг Шарқий Европа ва умуман, Европа иттифоқидаги аънанавий ва муҳим шериги сифатида қаралиши қайд этилди.

Олий мақом ва юқори даражадаги ташрифлар доирасида икки томонлама муносабатларга мустаҳкам асос яратилган ва келажакдаги ўзаро ҳамкорлиқнинг истиқболли йўналишлари белгиланган.

Давоми 2-саҳифада

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида О'ZLiDeP ва "Миллий тикланиш" ДП фракциялари ўртасида тузилган Демократик кучлар блокнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда янги таҳрирдаги "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини такомиллаштиришга қаратилган ишлар муҳокама қилинди.

ДЕМОКРАТИК КУЧЛАР БЛОКИ ЙИҒИЛИШИ

Акбар МУЗАФФАРОВ

Депутатлар қонун лойиҳасида ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий тамойиллари, шунингдек, тегишли давлат органлари ҳамда муассасаларнинг ваколатлари аниқ белгилаб қўйилиши баробарида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ННТлар ва фуқароларнинг иштирокига оид нормаларнинг кўзда тутилганлиги қонуннинг аҳамиятини янада оширишини алоҳида таъкидладилар.

Давоми 2-саҳифада

Табиатни асраш – келажакни асраш

О'ZLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасида партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда экспертлар гуруҳи, электорат вакиллари иштирокида "Ўзбекистон Республикасининг "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини муҳокамага бағишланган амалий мулоқот бўлиб ўтди.



2

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти	1 Австралия доллари	2182,87	1 АҚШ доллари	2943,46	1 Хитой юани	443,46	1 Польша злотийси	731,80	1 ЕВРО	3334,25
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 28 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларини юритиши, шунингдек, бошқона ва бошқа мажбурий тўловларни учун қароғий валюталарнинг сўра шисобат қуйидаги қийматини белгилади.*	1 Англия фунт стерлинги	3944,24	1 Миср фунти	331,47	1 Россия рубли	44,92	1 СДР	4115,16	10 Жанубий Корея вон	24,92
* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки олиш мажбуриятини олмайди.	1 Дания крониси	436,78	1 Исландия крониси	23,54	1 Украина гривнаси	118,34	1 Туркия лираси	999,38	10 Япония йенаси	288,97
	1 БАА дирҳами	801,42	1 Канада доллари	2255,87	1 Малайзия рингити	717,22	1 Швейцария франки	3024,21		

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ НУТҚИ

С. Давони. Бошланғич 1-саҳифада

Тасаввур қиласизми, мен ўша пайтда республика молия вазир бўла туриб олтин қазиб олиш бўйича СССРда иккинчи ўринда турадиган Ўзбекистонда олтиннинг баҳоси қанча эканини аниқ билмас эдим.

қалтис бир вазиятда бизга ким ёрдам бериши? Ўзбек халқи дўст кулфатда билинишни ҳеч қачон унутмайди.

Биз аҳолиси 1 миллиард 300 миллион кишини ташкил этадиган Хитойдек улкан мамлакатнинг стратегик шериги бўлиш масъулиятини яхши англаймиз.

Сизларга яхши маълум, Хитой Халқ Республикаси Раиси

Ватанимизга бу сафарги таширфини тўғри пойтахтимиз Тошкент шаҳрига келишдан эмас, балки қадимий шаҳарларимиздан бўлган Бухоро билан танишишдан бошлашга қарор қилди.

Шуни айтиш керакки, юксак мартабали меҳмонимиз Бухорога келиб, Аркни зиёрат қилди ва унинг деворларидан юқорига кўтарилиб, бутун шаҳарни томоша қилди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг Самарқанд ва Хитойнинг Сиань шаҳарлари ўртасида биродарлик алоқалари ўрнатилган.

Бугун Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин жанобларининг мамлакатимизга давлат таширфини доирасида ўзаро ҳамкорлигимиз истиқболлари ва устувор йўналишларини белгилаб берадиган кўплаб ҳужжатлар имзоланди.

кредит сифатида 2,7 миллиард доллар ажратилиши ва умумий қиймати 6,2 миллиард долларлик объектлар қурилишни назарда тутадиган ҳужжатлар борлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, ана шундай муҳим келишувлар учун ўз номимдан, сизларнинг номингиздан Хитой Халқ Республикаси Раисига миннатдорлик билдираман.

Мен Си Цзиньпин жанобларининг "Биз Ўзбекистон Президенти билан бир-биримизни яхши тушунамиз" деган сўзларини таърифламоқчиман ва бундай юксак эътирофни ўзим учун катта шараф деб қабул қиламан.

Сўзимнинг якунида бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: Хитой халқининг фаровонлиги – бу Ўзбекистон халқининг фаровонлиги.

Президентимиз Ислам Каримовнинг Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг ҳар томонлама стратегик шерикликка асосланган ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ривожланиш истиқболларини белгилаб берувчи расмий ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари олдида сўзлаган нутқи О'zLiDePнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари томонидан катта қизиқиш билан қутиб олинди.

Давлатимиз раҳбарининг нутқи депутатлар ва сенаторларга Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги стратегик ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини, икки мамлакатнинг халқлари ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар бўйича позиция ва ёндашувлари ниҳоятда яқинлигини тўлиқ англаш имконини бери

Эътиборли жиҳати, Ўзбекистон барқарор, энг тўғри сиёсий йўлдан одамлаш, шунингдек, изчил бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётнинг илк тамал тошларини қўйиш жараёнидаёқ хитойлик ҳамкорларимизнинг бирдамлигини чуқур ҳис этган эди.

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ВА ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ – УСТУВОР ВАЗИФАМИЗ

этилатганлиги бежиз эмас. Хусусан, БМТ, ШХТ сингари халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорлик алоқаларининг тобора кенгайиб бораётганлиги бунинг ёрқин намунасидир.

Айтиш мумкинки, икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар аллақачон вақт синовидан ўтганлиги билан катта аҳамиятга эга. Қувонарли жиҳати, ушбу унутилмас учрашувда иштирок этган О'zLiDeP фракцияси аъзолари босиб ўтилган мураккаб даврни яна бир бор ҳолисона таҳлил этиш, 25 йил аввалги манзараларни эслаш, тарихан қисқа, лекин асрларга татигулик давр ичида қандай машаққатли синовларни енгиб ўтишимизга тўғри келганлигини хотирлаш имконини бери

ларнинг ҳаммиса хайрихоҳ бўлиб келганлиги кишини қувонтиради.

Бугунга келиб Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ривожланиб бораётган, тараққий этган давлатга айланди. Шу ўринда оддий бир ҳаётий мисолни келтириш жоиз: йилдан йилга мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ўсишининг йиллик суръатлари 8 фоиздан ортмоқда.

Хитой Ўзбекистоннинг энг йирик савдо-иқтисодий ва сарможий шерикларидан бирига айланганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мамлакатимиз, айтиш мумкинки, Марказий Осиё тарихида эсда қоларли, тарихий воқеа сифатида эътироф этса арзийдиган, денгиз сатҳидан 2200 метр баландликда жойлашган Қамчиқ довои орқали ўтган 123,1 километрли йирик стратегик аҳамиятга эга бўлган Ан-Грен-Поп электрлаштирилган темир йўл линиясининг ишга туширилиши ҳамда унинг таркибидаги 19,2 километрлик туннель Хитойнинг "China Railway Tunnel Group" компанияси билан ҳамжиҳатликда қисқа муддатда барпо этилгани тобора ривожланаётган ҳамкорлигимизнинг

яна бир ёрқин самараси бўлди, десак янглишмаймиз. Ушбу ишдоо энг юксак халқаро нормаларга жавоб бериши ва жаҳон амалиётда мураккаблиги жиҳатидан 8- тунел узунлиги бўйича 13- ўринни эгаллаган бўлса, МДХ мамлакатлари ичида ягона, Марказий Осиёда эса энг улкан қурилиш объекти эканлиги билан ажралиб туради.

Айни пайтда, "Марказий Осиё – Хитой" халқаро транзит темир йўл коридорининг энг муҳим бўлими сифатида қаралаётган ушбу янги электрлаштирилган темир йўлининг барпо этилиши Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигининг долзарб стратегик йўналиши бўлиши мамлакатларимиз ўртасида энг қисқа кўприк вазиқсини ўташи билан катта аҳамиятга эгадир.

Шу муносабат билан, биз – О'zLiDeP фракцияси аъзолари ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистонга таширфини давом эттириш, савдо-иқтисодий, сарможий, молиявий, техник, энергетик ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини кўпайтириш йўлида барча саъй-ҳаракатларимизни ишга солашим. Минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, халқаро таҳдид ва хавф-хатарларга биргаликда курашишни кучайтириш масалалари ҳам диққат марказимизда бўлиши лозимлигини теран англаймиз.

Икки давлат раҳбарлари имзоланган ҳамкорлик шартномалари доирасида парламентлараро муносабатларни янги босқичга олиб чиқиш, шунингдек, хусусий тadbиркорлик ва фермерлик ҳаракати йўналишлари бўйича савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришни муҳим омиллардан бири деб ҳисоблаймиз.

Мухтарам Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари олдида сўзлаган нутқида халқ вакиллари бўлган депутат ва сенаторлар шаънига билдирган самимий фикр-мулоҳазалари бизни янада фаолликка undайди.

Содиқжон ТУРДИЕВ, О'zLiDeP фракцияси раҳбари

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

С. Давони. Бошланғич 1-саҳифада

Венгриянинг қароргоҳи Тошкентда бўлган биринчи элчиси сифатида фаолият бошлаган Петер Санто турли соҳаларда Ўзбекистон – Венгрия ҳамкорлигининг мавжуд салоҳиятини рўйғба чиқаришга салмоқли хисса қўйишни Ўзбекистондаги миссиясининг асосий йўналиши деб билишини таъкидлади.

Ерик Утембаев билан сўхбатда Ўзбекистон ва Қозғистон мустақилликка эришганидан буюн ўтган 25 йил давомида мамлакатларимиз ва халқларимизнинг узоқ муддатли умумий манфаатларига асосланган ҳамкорликнинг янги даражасига эришилгани таъкидлади.

2016 йилнинг 14-15 апрель кунлари Тошкентда бўлиб ўтган олий даражадаги Ўзбекистон – Қозғистон музокаралари ўзаро алоқаларда муҳим ўрин эгаллаб, кенг қўламли масалалар, жумладан, минтақавий муаммолар ҳамда ўзаро муносабатларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича фикр алмашиш имконини бери

Қозғистон элчиси ўзаро манфаатли муносабатлар бўйича тўпланган тажрибани асраш ва бойитиш, ҳар икки давлат ва халқ манфаати учун амалий вазифаларни ҳал этишга қумаклашиш Ўзбекистондаги дипломатик миссияси диққат марказида бўлишини таъкидлади.

Тожикистон элчиси билан учрашувда ўзбек ва тожик халқларининг тақдирини умумий тарих, маънавий қадрият ва анъаналар боғлаб туриши таъкидланди.

Содиқ Имомий янги тайинланган элчи сифатида ўзаро ҳамкорликни изчил мус-

таҳкамлашга ўз хиссасини қўшишга тайёр эканини таъкидлади.

Корея Республикаси элчиси билан сўхбатда Жанубий Кореянинг Бош вазир Хан Гё Аннинг яқинда Ўзбекистонга келгани ва 21 май куни кенг қўламли кўшма лойиҳа – Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши якунлангани ва унинг расмий очилишига бағишланган ўтказилган маросим мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бораётганининг яна бир ёрқин тасдиғи бўлгани таъкидланди.

Элчи Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга хурмат-эҳтиромини етказар экан, Жанубий Корея раҳбарияти Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли муносабатларни бундан буюн ҳам янада мустаҳкамлаб, янги мазмун билан бойитишга тайёр эканини, ушбу максалларга эришиш учун бутун қуч-ғайратини ишга солишини таъкидлади.

Афғонистон элчиси билан учрашувда кўп асрлик яқин қўшничилик ва бир-бирига ёрдам бериш анъаналари Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасидаги ҳамкорликнинг мустаҳкам асоси экани кайд этилди.

Ўзбекистон Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий қайта тиклашда муҳим ўрин тутаети. Ўзбекистон мутахассислари иштирокида Афғонистонни ташқи дунё билан боғлайдиган ягона Термиз – Мозори Шариф темир йўл тармоғи барпо қилини, бошқа инфратузилма лойиҳалари ҳам ҳаётга таъбиқ этилмоқда. Афғонистонга, жумладан, Кобул шаҳрига электр энергияси азуқсиз етказиб берилмоқда.

Сайид Шаҳобиддин Темурий Афғонистон халқи Ўзбекистоннинг Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий қайта тиклашга амалий ёрдам қўрсатаётганидан чуқур миннатдор эканини таъкидлади.

Президентимизнинг хоржий давлатлар элчилари билан сўхбати чоғида минтақавий ва халқаро сиёсатта доир долзарб масалалар ҳам муҳокама этилди.

ЎЗА

ДЕМОКРАТИК КУЧЛАР БЛОКИ ЙИФИЛИШИ

С. Давони. Бошланғич 1-саҳифада

– "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси фракцияси аъзолари томонидан атрофчиқа ўрганилиб, уни такомиллаштириш юзасидан бир қатор таклиф ва мулоҳазалар масъул қўмитага тақдим этилди.

Иңгилишида депутатларнинг мавзу юзасидан фикр-мулоҳазалари эшитилиб, Демократик кучлар блокининг позицияси белгилаб олинди. Жумладан, давлатимиз раҳбари томонидан 2015 йил 23 январ кун Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисида таъкидланганидек, "Ҳозирги шароитда тўғридан-тўғри таъбир кўрсатадиган қонунлар, кодификация қилинган қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш, янги қонунларда белгиланган қоидаларни тўлиқ рўйғба чиқаришни таъминлайдиган қонуноти ҳужжатларини ўз вақтида эълон қилиш муҳим аҳамиятга эга".

Табиатни асраш – келажакни асраш

С. Давони. Бошланғич 1-саҳифада

"Демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, унинг рақобатбардошлигини оширишга оид қонун лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизаси" лойиҳаси доирасида ўтказилган тadbирда қонуннинг янги таҳририга киритилаётган ўзгаришлар, унинг мақсади ҳақида атрофчиқа фикр юритилди.



муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий механизмлари янада мустаҳкамлашни тақозо этмоқда.

Дилором Файзиева. – Бинобарин, бу каби саъй-ҳаракатлар экологик муҳит ҳамкорлигини таъминлаш, ноёб ҳайвон турларини асраш ва кўпайтириш, муҳофаза қилиниши лозим бўлган табиий ҳудудларни кенгайтириш имконини беради.

Ўз мухбиримиз

ДЕПУТАТЛИК ГУРУХЛАРИДА

Ваколат ва назорат депутатлар масъулиятини янада оширади

Маълумки, амалдаги қонунларнинг жойлардаги ижроси юзасидан депутат тегишли давлат органлари мансабдор шахсларига мурожаат қилиш ва ўртага қўйилган масала юзасидан уларнинг ҳисоботини эшитиш ҳуқуқига эга. Бу, биринчи навбатда, депутатнинг ваколати кенглигини кўрсатса, бошқа томондан унинг мазкур ваколатлардан самарали фойдаланиши ўз-ўзидан депутатлик назорати кучайишини таъминлайди.

Комилжон ФАЙЗИЕВ, "XXI asr" мухбири

Хусусан, Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи томонидан Президентимизнинг "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг туманлар миқёсидаги ижросини таъминлаш юзасидан мутасадди раҳбарлар ҳисоботи тинланмоқда.

Мақсад ушбу қарорда белгилаб берилган долзарб вазифаларни амалга ошириш, вилоятда мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш, аҳолини арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва экспорт қилиш, партия электорати бўлган тадбиркор ва фермерларни янада фаол қўллаб-қувватлашда депутатлик гуруҳлари имкониятларидан самарали фойдаланишидир. — дейди партия вилоят Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, аппарат раҳбари Носиржон Абдуллаев.

Халқ депутатлари Норин тумани Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи йиғилишида ана шу вазифалар тилга олиниб, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, уни сақлаш ва қайта ишлаш тармогини кенгайтириш борасида тасдиқланган лойиҳаларнинг бажарилиши юзасидан туман ҳокимлигининг



худождарни комплекс ривожлантириш бўлими мутахассиси Н. Абдуллаев ҳамда ҳокимликнинг қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ф. Тўйчиевларнинг ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, туманда Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 декабрдаги "2016 йилда вилоятда қишлоқ ҳўжалигининг 9 та соҳасини янада ривожлантиришда кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида"ги қарори асосида 43 та лойиҳани бажариш учун 5 млрд. 311 минг сўм маблағ ўлаштирилиши кўзда тутилган. Энг муҳими, ушбу лойиҳалар амалга оширилиши ҳисобига туманда 218 та янги иш ўринлари ташкил этилади. Ҳисоботда, шунингдек, жорий йилда туманда 42,1 минг тонна сабзавот, 19,1 минг тонна картошка, 7,6 минг тонна узум, 9,3 минг тонна полиз маҳсулотлари етиштириш ва қийма-

ти 3,9 млн. АҚШ долларига тенг 2,5 минг тонна мева-сабзавотни экспорт қилиш режалаштирилганлиги таъкидланди.

Наманган туманида ўтказилган депутатлик гуруҳи йиғилишида туман Фермерлар кенгаши раиси А. Гаффаров ва туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи Б. Суннатовнинг қайд этишича, қарорда белги-ланган талабларга мувофиқ ҳозирги кунда туманда "Алфа Экспо Инвест", "Ўзагро Экспорт", "Тошбулоқ Агро Экспорт" каби экспортёр фирмалар ташкил этилиб, улар томонидан 3 та давлат билан маҳсулотларни сотиш юзасидан 39 млн. АҚШ доллари қий-матидаги шартномалар имзоланган. Биргина шу йил май ойининг ўзида тумандаги фермер ҳўжаликлари билан эса 1200 минг АҚШ доллари миқдоридан шартномалар тузилгани қайд этиб ўтилди.

Депутатлар кун тартибидаги ма-

сала юзасидан ҳисоботни эшитиб, амалга оширилган ишлар, эришилган ижобий натижаларни эътироф этган ҳолда туманда мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштириш, уни сақлаш, қайта ишлаш, экспорт қилиш бўйича фойдаланилмаган имкониятлар, ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларга алоҳида эътибор қаратишди. Ушбу масалани Халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясида кўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилиш юзасидан таклиф киритилди.

Косонсой, Янгиқўрғон, Тўрақўрғон, Поп туман Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳлари йиғилишларида ҳам қарор ижроси қай даражада бажарилаётгани атрофича муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Бир сўз билан айтганда, бугун мамлакатимизда ҳар томонлама мукамал, ҳаётий қонунлар қабул қилинмоқда. Улар ишлаши, ҳаракатга келишини таъминлаш эса энг муҳим вазифалардан саналади. Бунда, аввало, маҳаллий кенгашлардаги депутатлар зиммасига жиҳдий масъулият юклатилади. Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи томонидан олиб борилаётган бундай саъй-ҳаракатлар аввало электорат манфаатларига, партиянинг Сайловолди платформасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Наманган вилояти

Андижон

"АЁЛЛАР ҚАНОТИ" хабарлари

O'zLiDeP Избоскан тумани Кенгаши ташаббуси билан "Биз мустақиллик ғоялари билан яшашимиз керак" мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

Мустақиллик – гурурим менинг!

Унда мустақилликдан кейинги йилларда юртимизда амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, ёш авлод маънавиятини юксалтириш мақсадида яратилган шарт-шароитлар, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя этувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши каби масалалар муҳокама марказида бўлди.

— дейди партия туман кенгаши раисининг Аёллар масалалари бўйича ўринбосари Хуршида Халилова. — Фахр билан айтиш мумкинки, бугунги кунда фан-таълим, тиббиёт, ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалиги, санъат ва маданият, сиёсат соҳасида муносиб ютуқларга эришиб, юртимиз тарққиётига улкан ҳисса қўшаётган хотин-қизларимиз сафи тобора кенгайиб бораётди. Буларнинг барчаси аёлларга кўрсатилётган юксак эътиром натижасидир.

Мамлакатимизда аёллар ва ёшлар учун яратилган кенг имкониятлар, уларнинг замонавий билим эгаллашлари, санъат ва спорт билан шуғулланишлари учун қурилган муҳташам таълим муассасалари, спорт иншоотларига бутун дунё жамоатчилиги катта ҳавас билан қарамоқда.

Тадбир сўнгида O'zLiDeP-нинг фаол хотин-қизларига эсдаларига қадрият билан берилди. Куй-қўшиқларга бой концерт дастури барчага хуш кайфият улашди.

Тадбиркорликни ривожлантириш – долзарб вазифа

Сариосиё тумани қишлоқ ҳўжалик касб-ҳунар коллежиди O'zLiDeP туман Кенгаши "Аёллар қаноти" бўлими томонидан "Оилавий тадбиркорликдан – мустақкам оилага" лойиҳаси доирасида "Оилавий тадбиркорлик – аёллар бандлигини таъминлашнинг муҳим омили" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Партия фаоллари, ҳамкор ташкилот вакиллари, тадбиркор ва фермерлар иштирок этган тадбирдан кўзланган мақсад – хотин-қизлар орасида тадбиркорликнинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий тадбиркорлик фаолиятини кенг йўлга қўйиш ва унинг афзаллиқларини тарғиб қилиш, уларда тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, бизнес фаолиятини тўри ташкил этишга ўргатиш ҳамда шу орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, жумладан, оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчилик, касаначилик фаолиятига кенг жалб этиш билан оилавий бизнесни ривожлантириш, хотин-қизларнинг соҳага доир ҳуқуқий билимларини оширишдан иборат.

Партия туман ташкилоти "Аёллар қаноти" бўлими мудири Матлуба Жўраева. — Давлат дастуридан келиб чиқадиган вазифаларни бажаришда туркум тадбирлар орқали хотин-қизларни ишбилармонлик фаолиятига кенг жалб этишга алоҳида эътибор қарата таямми. Опа-сингилларимизнинг оилаларварлик, ишчанлик фазилатлари ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Аммо соҳаси бўйича чуқур билим ва кўникамага эга бўлган, мавжуд қонунлар ва ҳуқуқат қарорларни пухта билмаган тадбиркорларга қўлимиздан келганча амалий ва назарий жиҳатдан кўмак бераймиз.

Энг муҳими, биз қўлга киритган натижалардир, — дейди

Тадбир иштирокчилари мутахассислар томонидан бизнес режалар тузиш, банклардан кредит олиш тартиблари ва тадбиркорлик соҳасига оид ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Иқтисодий тараққиёт таянчи

Вобкент туман иқтисодий касб-ҳунар коллежиди партия туман Кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқени ошириш бўлими томонидан ташкил этилган "Хусусий мулкнинг ишончли ҳимояси – иқтисодий-ижтимоий тараққиёт таянчидир" мавзуидаги давра суҳбатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинган қарор ва фармонлар тўғрисида сўз юритилди.

— Ўзбекистонда хотин-қизларнинг сиёсий, ҳуқуқий фаоллигини ошириш, тадбиркорлик ва фермерлик соҳасида муносиб иштирокини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий секторнинг ривожланишида ишбилармон аёлларимизнинг фаол иштирокини таъминлаш борасида тизимли ишлар йўлга қўйилган, — дейди партия туман ташкилоти "Аёллар қаноти" бўлими мудири Робия Солихова. — Бугун мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва мавқени ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш

мақсадида қарорлар ва фармоннинг қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилди. Бунинг натижасида тадбиркор аёллар сафи кенгайиб бораёпти.

Давра суҳбати давомида ҳамкор ташкилот вакиллари, фермерлар, тадбиркорлар мавзу юзасидан фикр ва мулоҳазаларини билдириб ўтишди.

Тадбир якунида партия "Аёллар қаноти" томонидан келгусида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Дилноза НОМОЗОВА, "XXI asr" мухбири

Сурхондарё

Она ва бола саломатлиги йўлида

O'zLiDeP Конимех туман бўлими томонидан "Соғлом оила – мустақкам оила" лойиҳаси доирасида "Жисмоний ва маънавий камолот уйғунлиги – соғлом ва фаровон турмуш гарови" мавзуида тадбир ташкил этилди.

Мансур АСЛОНОВ, "XXI asr" мухбири

Бир гуруҳ малакали шифокорлар, Халқ депутатлари туман Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари, фертил ёшидаги аёллар, вилоят хотин-қизлар кўмитаси, ОАВ ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган тадбир "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ҳамда партия Сайловолди платформасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилди.

— Маълумки, Конимех вилоятнинг худуди кенг, аҳолиси эса тарқоқ яшайдиган туманларидан ҳисобланади, — дейди O'zLiDeP туман бўлими аппарати раҳбари Гулсара Бекмуратова. — Шу боис тадбир ташкилотчилари ва

қатор ҳамкор ташкилотлар вакилларида иборат кичик гуруҳлар томонидан туманининг барча чекка овул фуқаролар йиғинлари худудидаги аҳолини ҳам қамраб олишга ҳаракат қилинди.

O'zLiDeP худудий партия ташкилоти Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқени ошириш бўлими мудири Нигора Саймованинг таъкидлашича, тадбир доирасида ўтказилган мулоқотларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, айниқса, мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг энг чеҳра худудларидаги тиббиёт муассасаларида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, мавжуд тиббиёт муассасаларининг реконструкция қилиш ва янгидан қуриш, замонавий техника ва технологиялар

асосида модернизациялаш, шифокорлар малакасини ошириш ва салоҳиятли кадрлар тайёрлаш натижасида оналар ва болалар ўлими, юқумли ва бедаво деб келинган айрим касалликларни эрта аниқлаш ва батамом йўқотилишига эришилаётгани айтиб ўтилди. Шунингдек, бу борада қўлга киритилаётган амалий натижаларга O'zLiDeP электорати вакиллари кўшаётган ҳиссаси хусусида ҳам батафсил маълумотлар берилди.

— Мазкур тадбир давомида худуддаги 62 нафар тўғиш ёшидаги хотин-қиз, 18 нафар ҳомилдор аёл, 22 нафар бола ва 12 нафар нурунийларимиз тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларга тегишли тавсиялар берилди, — дейди "Шўркўл" ҚВП мудири, Халқ де-

путатлари туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзоси Жулдуз Айдарова. — Шунингдек, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, оналар ва болалар саломатлигини асраш бўйича мамлакатимизда олиб борилаётган хайрли ишлар хусусида суҳбатлар уюштирдик.

Таъкидлаш жоизи, гуруҳ аъзолари тумандаги "Чордара" ва "Сарибел" ширкат ҳўжаликлари, "Саржал", "Баймурат", "Учтепа" ва "Сарибел" овул фуқаролар йиғинларида ҳам бўлишди. Депутатлар Тўрман Сарбатиров, Жанар Достанова, Қалдибек Адилловлар фаоллиги туфайли амалий тадбирлар давомида худуддаги 1200 ва туман марказида яшовчи 58 нафар она ва бола бепул тиббий кўриқдан ўтказилди.

Навоий вилояти

Бугун аграр соҳа ривожини, халқимиз турмуш фаровонлигини, дастурхону бозорларимиз тўқинлигини мазкур тармокда фаолият кўрсатаётган жонқуяр юртдошларимиз меҳнатсиз тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, буларнинг орасида ёш ишбилармонларнинг гайратини кўриб, ҳавасингиз келади.

Яхшилик соғиниб яшайди

Ангорлик Малоҳат Ҳасанова ана шундай тадбиркорлардан бири. Жорий йилнинг бошида 5 гектар ер олиб, "Сурхон боғи эрам" фермер ҳўжалигини ташкил этди. Бир неча йилдан кейин ёш фермернинг олма-ўрикларни маҳаллий бозорларимизни тўлдиршига шубҳа йўқ. Қолаверса, бу тинч-тинчимас замондошимиз "Санжар Сурхон" МЧЖ, "Санжар Бунёдкор қурилиш" МЧЖ раҳбари ҳам.

— Юртбошимиз ўзларининг харгалли маъруза ва нутқларида биз — тадбиркорларни қўллаб-қувватлаб билдираётган фикрлари кучимизга куч, гайратимизга гайрат қўшапти, — дейди қувонч билан Малоҳат. — Мен шундай хур дийрнинг бахтли фарзандиман. Олдимда катта-катта довулар турибди. Уларни босиб ўтишимда эса яқинларим кўмағига суянаман. Амминанки, астойдил ҳаракат қилган инсон

албатта, кўзлаган манзилига етади. Малоҳат зийрак, шу билан бирга ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши биладиган ёшлардан. Тадбиркорлик соҳасида бирор муаммага дуч келса, қайси ташкилотга мурожаат қилишни яхши билади. Хусусан, O'zLiDePнинг "Аёллар қа-

ноти" ва "Ёшлар қаноти" томонидан ёш авлод маънавиятини юксалтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш йўналишида ўтказилган тарғибот-ташвиқот тадбирларида иштирок этиб, ўзига керакли маълумотларни олиш имконига эга бўлди.

Қаҳрамонимиз маҳалласида "чевар киз" номи билан ҳам машҳур. Халқимизнинг миллий байрамларида қўни-қўшиларнинг хожатини чиқариб,

уларга чиройли ва бежрим либослар тикиб беради. Яна турли ташкилотлардан буюртмалар олиб, соҳасининг етух мутахассисига айланган.

"Санжар Бунёдкор қурилиш" МЧЖ да 8 нафар йигит иш билан таъминланган. Ишлаб чиқариладиган қурилиш молларининг харидорлари талайгина. Тадбиркор кизнинг режалари бисёр. У келгусида чорвачилик тармогини йўлга қўйиш, маиший хизмат кўрсатувчи шохобчалар — дўхон, сартарошхона, тўйхона қуришни ният қилган.

Малоҳат Ҳасанова ўзининг машаққатли меҳнати, омилкорлиги ва тадбиркорлиги туфайли улкан ютуқларни қўлга киритмоқда. Қалби доимо эзгу ният ва мақсадларга тўла, кишиларга яхшилик соғиниб яшайдиган ана шундай ёшлар билан ҳар қанча фахрлансақ арзийди.

Ўз мухбиримиз

Бухоро



Тоғ бағридаги мўъжиза

Истиклолимиз шарофати туйфайли энг чекка худудлар ҳам жаннатмонанд гўшаларга айланмоқда

Қашқадарё вилоятининг Китоб шахридан тоғли Деновобло қишлоғига қарий етмиш километр. Шаҳарнига сершоқин кўчаларидан бошланган йўл Кўсам қишлоғи анорзори тоқзорлари оралаб Паландарага туташиб кетади. Қиру адирлар қўйнида ястаниб ётган қадим манзил – Паландарага киргач, бу дараларда соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг оғ қилгани ҳақида тарихий манбалардаги маълумотлар беҳатиёр эса тўшади. Кимдир бу жойни “Баланддара”, кимдир “Паландара” (Йўлбарсдара), бошқа биров “Поёндара” сўзларидан ҳосил бўлган дейди. Номининг келиб чиқиши қандай бўлишидан қатъи назар, бу гўша қадим ва жозибадор. Ҳуш шимол томондаги Мўғул қишлоғида Амир Темур ҳазратларининг пири Мир Саид Бараканинг укалари, ислом оламидаги забардаст зотлардан бири, “Неъматуллоҳия” йўналиши асосчиси Шох Саид Неъматулло ибни Абдурахмон номлари билан боғлиқ зиёратгоҳ бор. У кишининг араб ва форс тилларида ҳар хил масалалар бўйича битилган 544 ёшимасининг 110 таси бизгача етиб келган. Бу ҳудудда ҳассос шоир Мухаммад Раҳмон ва ўлмас овоз соҳиби Улмас Саиджонов таваллуд толган.



“Яратганининг марҳамати, муҳтарам Президентимизнинг эзгуликка йўрилган саяёҳаракатлари билан биз жаннатмонанд юртда яшаймиз. Чорвамиз, еру сувимиз, меҳнаткаш элимиз бор, муҳтожлик нималигини билмаймиз. Дўконимизга кириб кўринг, ҳамма нарса муҳайё, шаҳарга тушишга ҳожат йўқ. Олдинги йил ўғилларимдан бири кимгадир қизиқиб хорикга кетмоқчи бўлганди, унамадим. Ҳўро ҳамма жойда бир хил қичиради, шу ерда ишла, дедим. Картошка, нўхат экдик. Меҳнатнинг орасидан тўй қилдик, машина олдик, у ёқда топадиганлардан кўра кўпроқ топдик. Ана, кўрдингми, ўғлим, ишлаган кишига Ватанидан ортқ жаннат йўқ”, дедим.

Обиканда, Туял, Ошқон, Сулмақдан ўтгач, “Кўхсор” маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли машҳур Жовуз қишлоғи бошланади. Бу гўшада палеозой ва девон эраси тараққиёт тарихини ўрганиш учун халқро эталон сифатида қабул қилинган Жовуз давлат геологик-палеонтологик қўриқхонаси жойлашган. Қўриқхонада олиб борилган илмий изланишлар бундан 300-420 миллион йиллар илгари мазкур ҳудуд ўша даврдаги улкан Тетис денгизи остида бўлганини исботлайди. Жиннидарё ва Оксув дарёлари оралиғида қад ростлаган Ширдоғ ва Сумсар қишлоқларида палеозой эрасининг девяри барча даврларига мансуб денгиз умуртқасиз ҳайвонларининг тош қотан қолдиқлари яхши сақланган. Жовуз қишлоғида 7109 гектар майдонни эгаллаган Жовуз ўрмон ҳўжалиги бор. Унинг 2067 гектари ўрмонзордан иборат.

Кейинги қишлоқ Матмон. Бу ҳудуднинг қадими сирли, салобатли, кишини тарихга етаклаб киради. Деновоблода узоқ-узоқлардан машҳур Ҳазрати Султон қўққиси кўза ташлини турибди. Ўзбекистондаги бу энг баланд чўққининг нариги томонида абадий музликлар ястаниб ётади. Қадимда Суғд қояси деб аталган мазкур тоғ туркийларнинг азалий масканларидан бўлиб, “Кухи товба”, яъни тавба қилган кишилар гуноҳи кечирилмаган жой сифатида улуғланган. Чўққидан тарашлаб келишгандай теп-текис тошуна ҳам бор. Эрамиздан аввал зардуштийлар шу жойда Кўёшга юзланиб топинишган.

сатҳидан 2200 метр баландликда жойлашган. Икки йил олдин қишлоқда ҳавас қиларли бир мактаб биноси қурилди. Ҳозир бу ерда Шут ва Аспидухтар қишлоқларининг икки юз нафардан зиёд фарзандлари тахсил олишмоқда. Ўқувчилар турли танловлар, олимпиадалар, спорт мусобақаларида муваффақиятли иштирок этишмоқда. Бу қишлоқларда яна иккита мактаб биноси қурилиши кўзда тутилган.


Деновоблоқлар жуда меҳмондўст халқ. Қай бир хонадонга кирманг, кўчқоч очиб қутиб олишадир. Деярли ҳар бир ховлида олд томони кўчага қараб қурилган меҳмонхона бор. Худди уйимиз, эшигимиз сиз учун очик деяртгандай, меҳмонга.

Тонинг мусаффо ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас оларкансиз, беҳитиёр ё шаҳри азимда яша, ё қухи баландда, деган сўзлар ёдингизга тўшади. Юлдуз тўла осмон, бир-бирига туташиб кетган тоғлар, шилдираб оқаётган ирмоқлар, қалби дарёдай кен одамлар...

Қишлоқдаги эликдан ортқ хонадонда от бор. Бу ердагиларнинг аксарияти от минишга уста, – дейди шу қишлоқлик Истам Мухторов. – Кўпқари эса халқимизнинг сеvimли ўйини. Шунданми, тўйларимиз кўпқарисиз ўтмайди”.

Мехнатнинг таги роҳат: 164 хонадонли бу қишлоқда ўз автомашинасига эга бўлмаган хонадон йўқ. Наврўз, Мустақиллик байрамларини шунанга кўтаринки руҳда нишонлашадики, бутун бошли қишлоқ бир оилага айланади. Қишлоқдаги учта гузарнинг ёшидан кексасигача, эркагидан аёлигача, келинчагидан мактаб боласигача – ҳамма томошагоҳга келади. Ўтган йили ўрмон ҳўжалиги 24 тонна шундай олма йиғиштириб олди. Аҳоли боғларидан олинган ҳосил 300 тоннадан ошиб кетди. Бу йил қўшимча 10 гектар майдонга олма қўчатлари қадалди. Қишлоқнинг жаннат, атлас, ҳубони, темир навли олмалари, фарм, шакармурут, дилафрўз навли ноқларининг мазасига гап йўқ.

Қишлоқнинг ҳар қадамида булоқ, ҳар бурчагида сой. Тошдан тошга урилиб оқаётган обиҳаётнинг шилдираши қулоққа ёқимли эшитилади. Ўн-ўн беш чоғли хонадон бирлашиб ариқ бўйларига генератор ўрнатиб, электр энергияси ҳосил қилган. Деновоблоқлар учун сув обиҳаётгина эмас, ёруғлик манбаига ҳам айланган.



Матмондан ўтгандан кейин йўл тор, бир томони баланд тоғ, иккинчи томони туби кўз илгамас жарликдан иборат. Шаҳарнинг кенг ва раvon кўчаларида юрган киши учун бундай йўллар қўрқинчли ва хавфли кўринади, тоғликларга эса писанд эмас, машиналарда Деновоблодан Китобга, Китобдан Деновоблога қатнаганлари қатнаган. Йўл атиги икки соатда босиб ўтилади.

Этмиш ёшли Мухиб ота Ҳабивов билан суҳбатлашиб қолсангиз, гапини чавандозликдан бошлайди. Ахир 35 йил отда юриб, кўпқарида қилиб бўлган кишининг отга меҳри ҳам бўлакча. Чавандозлик унга ота мерос. Бобоси Ибодулла Махсумдан тортиб отаси Ҳабивулло

Дарвоқе, қишлоқнинг Ҳасан Холов, Мирзо Мухторов, Ҳужаназар Нуров, Боймурод Ёров, Маҳмуд Жалолов каби қайвонилари қилиб бўлган кишининг отга меҳри ҳам бўлакча. Чавандозлик унга ота мерос. Бобоси Ибодулла Махсумдан тортиб отаси Ҳабивулло

– Буларнинг бари мустақиллик шарофатидан-да, – дейди “Кўхсор” МФЙ раиси Шоймардон Останов. – Президентимиз вилоятнинг биринчи раҳбари бўлиб ишлаганларида Деновобло қишлоғига келиб, оқсоқоллар билан суҳбатлашганлар, бу жойни янада обод, кўркам қилиш учун қимматли маслаҳатлар берганлар. Шундан кейин қишлоқда иккита насос станцияси қурилди, асосан боғдорчилик, чорвачилик, деҳқончилик билан шуғулланаётганларга имконият эшиклари кенгрок очилди, боғ-роғлар кенгайди. Мактабларимиз замонавий тус олди.

Богогача, ўгли Омонжондан тортиб, коллежда ўқийдиган набираси Ҳотамжонгача отни яқин дўст тутишган. “От минсам ўзимни тетик, соғлом ҳис этаман, чехрам очилади”, – дейди Мухиб отанинг ўзи. Қишлоқнинг Салим полвон, Нарзиқул полвон, Шомурод полвон, Мирзополвон, Мирзошариф полвон, Амirkул полвон деган отахонларининг ҳаёти ҳам от билан боғлиқ. Эътибор берсангиз, уларнинг исми ёнида полвон сифати бор. “Чавандозми, демак, у полвон, йўқса кўпқарига киролмайди. Кўпқарига кирган ҳар йигитни полвон санаймиз”, дейди Мухиб ота. Қишлоқда кўпқарига кирса, бошқалар полвон, Азиз, Зафар, Махмуд, Мажд, Омон, Азамат, Рўзиммамад, Сулаймон, Исоқ, Жумабой полвон отли ёш чавандозлар ҳам доврўқ қозонишган.

Мухиб отадан яшаш шароитлари ҳақида сўраб қолсангиз чехраси янаям ёришиб кетади.

Деновоблоқ аёллар қатиқларини тулумга солиб қўйишаркан. Тулум нима экан, деб қизиқдик. Билсак, эчки терисидан тайёрланган қатиқ халта экан. “Туз ва тоғ гиёҳлари аралаштирилиб тулумга солинган қатиқ бир йилгача айнамай туради, фақат салқин жойга қўйилса кифоя”, – дейди қишлоқнинг кекса онахони Ризвоной ая. Деновоблода қадим тарихга эга Ширдоғ деган манзил бор. Китоб ўрмон ҳўжалигига қарашли тўрт томонли баланд тоғлар билан ўралган бу манзилда 1165 гектар текис майдон бўлиб, унинг 600

гектари ўзлаштирилган, нўхат, картошка экилади. Дарвоқе, Деновобло ўрмонларида айик, бўри, шокол, ёввойи чўчка, қашқалдоқ, жайра, бўрсик каби ҳайвонлар, турли даракат ва буталар, 60 турга яқин доривор гиёҳлар бор. Далачи, тоғ райхони, зирк, қизил дўлана, зира, мойчечак каби гиёҳлар териб олиниб, дори тайёрлаш санаятида ишлатилмоқда. Мавсум пайти ўнлаб деновоблоқлар ўрмон ҳўжалигида ишлаб, доривор гиёҳларни териб олишда кўмаклашади. Деновоблони юртда машҳур қилган жиҳатлардан бири унинг тўқ қизил олмалари бўлади. Аҳоли бу олмаларни қимматли навлар дейишади. Бошқа ҳеч қаерда бунақа ранг ва таъмига эга олма йўқ. Тоғ ҳавоси салқин бўлганидан мевасига қурт тушмайди, дори сепишга ам эҳтиёж йўқ. Табиат қандай инъом этса, шундайлигича етилади. Серсув, мазаги, чиройли ва силқик бўлади. Ўтган йили ўрмон ҳўжалиги 24 тонна шундай олма йиғиштириб олди. Аҳоли боғларидан олинган ҳосил 300 тоннадан ошиб кетди. Бу йил қўшимча 10 гектар майдонга олма қўчатлари қадалди. Қишлоқнинг жаннат, атлас, ҳубони, темир навли олмалари, фарм, шакармурут, дилафрўз навли ноқларининг мазасига гап йўқ.

Лола УРОҚОВА, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси аъзоси

ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА

Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди “Атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларини ҳал этишда аҳоли, фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини ошириш” мавзусида ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларига Давлат грантлари ажратилиш учун ҳужжатлар қабул қилиниши бошланганлигини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қуйидаги йўналишларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қабул қилинади:

1. Мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазаси ва аҳоли саломатлиги муҳофазаси соҳасида амалга оширилаётган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ҳақида аҳоли хабардорлигини, жойлардаги долзарб экологик муаммоларни ҳал этишда улар фаоллигини юксалтириш;
2. Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонунининг мазмун-моҳияти, унинг энг муҳим нормалари, жамоат экологик назоратини амалга ошириш, экологик назорат жамоат инспекторларининг фаолияти ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш;
3. Экологик таълимни ривожлантириш, экологик билимларни тарғиб қилиш, аҳолининг экологик ва табиий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, экологик муаммоларни ҳал этишга жамиятнинг турли қатламларини кенг жалб қилиш;
4. Атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонунчилик талаблари бузилишини кенг ахборот-тушуштириш ишларини олиб бориш ва жамоат экологик назоратини амалга ошириш орқали олдини олиш;
5. Атроф-муҳит муҳофазасини кучайтириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва жамиятда соғлом турмуш тарзини омаллаштириш, соғлом авлодни тарбиялаш учун зарур шароитларни шакллантириш;
6. Аҳолининг ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, маҳалларар ҳудудда санитария-экологик ҳолатни яхшилаш борасидаги фаоллигини ошириш, шу жумладан, хашарлар, турли тадбирлар ва акциялар ўтказиш;
7. Корхоналар, тиббиёт ва таълим муассасаларида муқобил энергия манбалари, машиий чинкидиларни қайта ишлаш бўйича экологик жараёнлар тақомиллаштирилишини тарғиб қилиш;
8. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишни кучайтириш учун зарур шароитларни шакллантириш, аҳоли саломатлигига салбий таъсирини юмшатиш, Оролбўйи ҳудуди, мамлакатнинг бошқа экологик нуқулдай ҳудудларида экологик вазиятни тиклаш ва соғломлаштириш;
9. Орол ҳалокатининг атроф-муҳитга ва аҳоли саломатлигига салбий таъсирини юмшатиш, Оролбўйи ҳудуди, мамлакатнинг бошқа экологик нуқулдай ҳудудларида экологик вазиятни тиклаш ва соғломлаштириш;
10. Ўзбекистонда экологик туризмни, экосаёҳлик фаолиятининг ахборот ва инфратузилмавий таъминотини ривожлантириш, экосаёҳлик йўналишларини ташкил этиш, республика аҳолиси орасида экотуризмни омаллаштириш;
11. Экологик журналистикани ривожлантириш, табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва оқилона фойдаланиш масалалари бўйича мақолалар сифатини ошириш, Интернет тармоғида Ўзбекистон табиатининг бетакор гузаллиги ва хилма-хиллиги, ноёб ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига бағишланган ўзбек, рус ва инглиз тилидаги махсус манбаларни яратиш;
12. Ноёб ҳайвон ва ўсимлик турларини қўлайитириш ва муҳофаза қилишнинг замонавий технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
13. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг энергияни иқтисод қилиш ва ресурс тежайдиган технологияларнинг муҳимлиги масалаларига бўлган дунёқароши ва муносабатини тубдан ўзгартириш мақсадида тарбиявий-маърифий ишларни кенгайтириш.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрами муносабати билан

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

“Мустақиллик йилларида республика ҳаётининг турли соҳаларида эришилган ютуқлар ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилишга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш” мавзусида ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларига Давлат грантлари ажратилиш учун ҳужжатлар қабул қилиш бошланганлигини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қуйидаги йўналишларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қабул қилинади:

1. “Гўзал ва бетакоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” деган бош гоғни ўзида муҷассам этган амалий, маданий-маърифий ва ахборот-тушуштириш тадбирларини ташкил этиш;
 2. Ўзбекистон халқига миллий давлатчилик ва онгни, анъаналар ва урф-одатларни тиклаш, буюк сиймоларнинг номларини шарафлаш, соғлом ва баркамол янги авлодни шакллантириш бўйича кексиз имкониятлар тақдим этган мустақиллигининг аҳамиятини очиб берадиган махсус теледастурлар, мақолаларни тайёрлаш;
 3. Ўзбекистонда тинчлик ва осейишталликни сақлаш, миллатлараро ва фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда яшаб келаётган турли миллат ва элаларнинг азалий миллий анъаналари, урф-одатлари ва удувларини сақлаш ва ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган илчил чора-тадбирлар ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш;
 4. Тараққиёт йўлининг бешта тамойилгига асосланган ва халқро ҳамжамият томонидан эътироф этилган “Ўзбек модели”нинг мазмун-моҳиятини очиб беришга бағишланган таҳлилий материаллар туркумини чоп этиш;
 5. Ўзбекистонда юрилтаётган кучли ижтимоий сивбатнинг ҳаётга табиқ этилишини аниқ мисолларда кўрсатиб берадиган маълумотни кенг жамоатчиликка етказиш;
 6. Ўзбекистон ташқи ва ички сивбатининг асосий жиҳатлари, олиб борилаётган сивсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий исплохотларнинг натижаларини ақс эттирувчи ҳолисона ва ишончли ахборотни инглиз ва бошқа чет тилларида тарқатиш мақсадида ихтисослашган сайтларни ишлаб чиқиш ва Интернет тармоғида жойлаштириш;
 7. Турли тилларда Ўзбекистон тарихи, маданияти ва санъати, етук шахслари, мустақиллик йилларида жамият ҳаётининг турли соҳаларида республика эришган ютуқлар ҳақидаги маълумотларни тайёрлаш ва Интернет тармоғидаги ихтисослашган энциклопедик манбаларда жойлаштириш;
 8. Хороний аудитория орасида Ўзбекистон халқлари номоддий маданий мероси (халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъати, фольклор ёдгорликлари, миллий байрамлар, фестиваллар, миллий ошхона ва бошқаларни омаллаштириш;
 9. Интернет тармоғида Ўзбекистон халқларининг бой тарихий-маданий меросини ақс эттирадиган ноёб экспонатларга оид ахборот материалларини тарқатиш;
 10. Ўзбекистон халқларининг тарихи ва маданиятини омаллаштириш, унинг тарихий-маданий меросига, табиатининг гузаллиги ва хилма-хиллигига жалб қилишга қаратилган фото-танловларни ташкил этиш ва ўтказиш.
- Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:**
1. ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтининг раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган қузатув хати;
 2. Давлат гранти лойиҳаси учун www.fundngo.uz сайтыда жойлаштирилган шаклда тўлдирилган ариза;
 3. Охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтказилган Устав (Низом) нусхаси;
 4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси;
 5. Лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, лицензиянинг нусхаси.
 6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномалари, илтимосномалари илова қилиниши мумкин.
- Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант суммаси миқдори – 25 млн. сўмгача.
- Ҳужжатлар 2016 йил 25 июндан 25 июлгача қабул қилинади.
- Ҳужжатлар “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди” номига “Ўзбекистон почтаси” орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уй.
- Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.
- Маълумот учун телефонлар:**
(0-371) 239-26-76, 239-26-64.

Қуйидан чиқаётган ташаббуслар

Бошланғич ташкилотлар аҳолининг турли қатламлари, айниқса, ёшларга давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати мазмун-моҳияти, партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини етказиш ва жойлардаги ижтимоий-иқтисодий масалалар ҳал қилинишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Туманимизда 58 та қуйи бўгин фаолият юритилди. Улар 1408 нафар маслақдошимизни бирлаштирган. Эътиборлиси, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида сафдошларимиз сони 200 нафарга, БПТлар сони 6 тага кўпайди. Туман кенгаши депутатлари бошланғич ташкилотларга бириктирилганини ҳам алоҳида қайд этиш лозим. Қуйи бўгинлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида етакчиларнинг сиёсий биллими ва савияси, амалий тажрибасини синовдан ўтказдик. Улардан 6 нафари ишончли оқлай олмагани ҳали кўп изланишимиз зарурлигини кўрсатди. Бинобарин, етакчиларнинг фаолигини кучайтириш, ғоявий-сиёсий тадбирларнинг савиясини оширишга қаратилган ўндан ортик тадбир ташкил этдик.

Ташаббус ва тақлифлар асосан қуйи бўгиндан чиқиб кетди. Чунки БПТлар омма орасида иш олиб боради. Улар одамларнинг дарду ташвишини яхши билишади. Қуйида келтирилган мисоллар эса бошланғич ташкилотлар зиммаларидаги масъулиятни тегна аниқлаётганликларидан далolat беради.

“Занжирсарой” кўп тармоқли хусусий корхонаси бошланғич партия ташкилотининг навбат-

даги йиғилишида “Тонг” МФЙ худудидаги теннис корти таъмир-талаб бўлиб қолгани, бу объектни капитал таъмирлаш ҳамда футбол мактаби тасарруфига бериш зарурлиги тўғрисида сайловчилардан тушган мурожаат ўрганиб, депутатлари туман Кенгашидаги О‘зЛиДеП депутатлик гуруҳи йиғилишида муҳокама этилиб, депутатлар томонидан қайта ўрганилди ва туман Кенгашининг навбатдаги сессиясига киритилди. Туман ҳокимининг қарори асосида теннис кортига капитал таъмирлаш, зарур инвентар ва жиҳозлар билан таъминлаш режага киритилиб, амалий ишлар бошлаб юборилди.

Ташкилотчи ва серғайрат ҳаммаслағимиз Комил Хайруллаев етакчилик қилаётган “Муборак иссиқлик электр маркази”даги БПТ фаоллари доимо янги-янги ташаббуслар билан чиқишади. Бир неча йил муқаддам уларнинг ғоясига кўра гўзапоядан кўмир тайёрлаш лойиҳаси амалга оширилган эди. Эндиликда иккиламчи иссиқ сувдан худуддаги иссиқхоналарни иситиш йўлга қўйилди. Бу ҳақда батафсилроқ сўз юритиш мақсадга мувофиқ, назар-

римда. Марказ худуддаги йирик заводни буг билан узлуксиз таъминлайди. Бугдан фойдаланилгач, қайта парлантириш учун сув шаклида марказга юборилади. Заводдан марказга қайтарилган 70-80 даражали иссиқ сув йўл-йўлакай иссиқхоналарнинг қувурлари орқали ўтиб, зарур ҳароратни сақлаб туриш имконини беради. Марказ билан шартнома тузган 7 та тадбиркорлик субъекти томонидан қарий 4 гектар майдонда иссиқхоналар барпо этилган.

Муборак газни қайта ишлаш заводидидаги қуйи бўгинимизга Ойбек Ниёзов бошчилик қилмоқда. Фаоллар жорий йилда электротармоқларига хизмат қиладиган 8 та тақлиф билан рақобатда қўйилган бўлиб, уларни рўйга чиқариш борасида тинимсиз изланишларни олиб боради. Тақлифлардан бири – шаҳар кўчаларини таъмирлаш масаласи Халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига киритилди. Шунингдек, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, чиқиндиларнинг фаолиятини яхшилаш, шаҳарни янада ободонлаштириш ва кўчаларни таъмирлаш, ёшларнинг спорт билан шугулланишлари учун қулай шароитлар яратиш,

болалар истирохат боғлари фаолиятини замон талаблари даражасида ташкил этишга тааллуқли долзарб масалаларнинг аксарияти ижобий ечим топди.

“Миртемир” фермер хўжалигида иш юритаётган БПТ раиси Рустамбек Холмўминов хўжаликларда замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича ташаббус кўрсатилди. У туманда кўп тармоқли фермер хўжаликларини янада кўпайтириш, кишлоқда саноатни ривожлантиришга доир тақлифлар билан фермерлар озиқ-овқат саноати дастурига киритилган лойиҳаларни амалга ошириш, янги иш ўринлари яратишга тўғриватган эътиборга молик.

Туман “Бизнес-инкубатор” марказида тузилган қуйи ташкилот етакчиси Гузал Сориева кўп қаватли уйларда яшаётган хотин-қизларга хунар ўргатиш, касаначилик орқали иш билан таъминлаш, спорт билан шугулланишлари учун шароитлар яратиш, кўчаларни таъмирлаш, шаҳарни янада ободонлаштириш ва кўчаларни таъмирлаш, ёшларнинг спорт билан шугулланишлари учун қулай шароитлар яратиш,

Арслон Усмонов партиянинг сафдошлари, “Сардоба” МФЙ аҳолиси ўртасида дастурий мақсадларимизни астойдил тарғиб қилганлиги боис

сафдошларимиз сони кўпайди, ғоявий-сиёсий ишлар яхшиланди. Етакчимиз кишлоқ ёшларини тадбиркорликка йўналтириш масаласига алоҳида диққат қаратилди. Яқинда у БПТларни янада фаоллаштириш мақсадида фаол ва изланувчан етакчиларини рағбатлантиришни йўлга қўйиш бўйича ўз фикрларини билдирди. Уларни иноватга олган ҳолда партия ғояларига содиқ, вазифаларини сидқидилдан адо этаётган илғор етакчиларни хар чоракда рағбатлантириш режасини ишлаб чиқдик.

Депутатларимиз томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида шаҳарда ичимлик сув, табиий газ ва электр энергияси таъминотини яхшилаш, ёшларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун банклардан кредит ажратиш масалаларида 17 та сўровнома юборилди, ижобий натижаларга эришилди. Шу билан бирга улар томонидан 7 та эшитув ташкил этилди. Туман бандликка кўмаклашиш маркази, туман хотин-қизлар кўмитаси, тиббиёт бirlашмаси ва бошқа идоралар мутасаддиларининг аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, турмуш шароитини янада яхшилаш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботлари тингилди, камчиликларни бар-тароф этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

БПТлар билан депутатлик гуруҳи ҳамкорлигини янада яхшилаш, фаолиятни такомиллаштириш, самарали партиявий механизмларни яратишга оид



Панжи ЖАЛИЛОВ,
О‘зЛиДеП Муборак туман Кенгаши раиси, туман кенгаши депутати,
“Энг фаол либерал ғоялар тарғибчиси” тақдирот-танлови Қашқадарё вилоят босқичи ғолиби

ишларни давом эттиряпмиз. Қуйи бўгинлар қанчалик фаол бўлса, партиянинг жамиятдаги обрўси ошади, нуфузи яхшиланади. Етакчининг ҳаётий тажрибаси ва амалий ишларидан барча ўрнак олади, унга эргиланади. БПТ партиянинг, депутатларнинг ҳақиқий таянчига айланиши керак. Биз учун сайловчилар ва электротармоқларига доимо устувор эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Мустақиллигимизнинг муборак йиғирма беш йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Тарихан қиска давр мобайнида халқимиз ҳаётий, дунёқароши, тафаккури, турмуш тарзида катта ўзгаришлар содир бўлди. Жамият ҳаёти бутунлай янги мазмун касб этди. Бу эса одамларда янгиликларни қабул қилишга, тафаккуримизнинг ўзгаришига, ҳаётга янгиликларни қабул қилишга замин яратди. Мустақиллик кунини биз учун энг улуг, энг муътабар ва ардоқли байрам. Бу йилги айёмнинг ўзгача шуқуви бор. “Гузал ва бетакороримсан,

муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” деган бош ғояни ўзида мужассам этган шпор остида вилоятимизнинг барча туманларидан ташкил этилаётган тарғибот-ташвиқот ишларида маърузаларим билан иштирок этаёпман. Ўзбекистон қўлга киритган улкан муваффақиятларни бутун дунё тан олаётгани, бу ютуқларнинг асосий омилни биринчи навбатда халқимизнинг дунёқароши, одамларимизнинг сиёсий онги ва тафаккури ўзгариб, фуқаролик фаолиги тобора кучайиб бораётганида мужассам эканлигини қайта-қайта таъкидлаётган. Бугунги кунда амалга оширилган ишлар ва янгиланишлар жараёнига саховатли заминимизда яшаётган ҳар бир инсонни сафарбар этиш учун барча имкониятларни ишга солиб, эл-юрт манфаати, ўлкамиз равнақи йўлидаги эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшишимиз лозим. Сафдошларим партиявий фаолиятни мукамал олиб бериш учун бор қуч-ғайратларини сарфлайдилар, деб ишонаман.

Электротармоқ билан Юзма-Юз

Бухоро туманидаги “Галаосиё” МФЙ худудида ташкил этилган О‘зЛиДеП қуйи бўгини Раъно Уринова етакчилик қилаётган. Мазкур БПТ 29 нафар маслақдошимизни бирлаштирган. Сафдошларимиз партия маҳаллий ташкилоти, депутатлар билан биргаликда ғоявий-сиёсий ишларни юқори савияда ўтказишга интиляяптилар. Жумладан, яқинда “Дўстлик”, “Наврўз”, “Мустақиллик” МФЙларида истиқомат қилувчи ёшлар, ўрта ва кекса авлод вакиллари, партия фаоллари иштирокида “Гузал ва бетакороримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шиори остида ташкил этилган навбатдаги давра суҳбатига мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, шунингдек, Президентимизнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган фармон ва қарорлари мазмун-моҳияти, худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган дастурлар ижроси хусусида атрофлича сўз юритилди.

Асхор ИСТАМОВ,
“XXI asr” муҳбири

Давра суҳбатига сўз олган партия туман Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Саттор Бафоев, Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатларидан Суннатилло Самадов, Рашид Аҳмедов ва бошқалар мустақиллигимизнинг чорак асрлик кўтлуг санасини муносиб қўтиб олаётган ҳар бир юрtdошимиз қалби янги орзу-умидлар билан жўш ураётганини, барча гўшаларда бўлганидек, туман маркази – Галаосиё шаҳрида амалга оширилаётган қурилиш-ободончилик ишлари, аҳоли турмуши фаровонлигини таъминлаш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ва уларнинг амалий натижалари ёшу қарини мамнун этаётганини таъкидладилар.

Бугунги кунда туманда 147 минг аҳоли яшайди. Уларнинг 5145 нафари “Галаосиё” МФЙ худудида истиқомат қиладилар. Имомиддин Хўжаев, Шукур Бобоев ва бошқалар маҳаллада ишнинг кўзини биладиган тадбиркорлар сифатида танилган. Турли савдо ва сервис



шохобчалари хизматидан нафақат маҳалладошлар, балки узоқ-яқиндан келадиган кишилар ҳам фойдаланмоқдалар. Тадбиркорлик субъектлари ишчи-хизматчилари ўртасида О‘зЛиДеП дастурий ғоя ва мақсадларини тарғиб этишда тилга олинган қуйи бўгин фаолларидан, айниқса, Рустам Содиков, Жасурбек Жабборов, Лайло Аббосова, Ниғора Гаффарова жонбозлик кўрсатишапти. Кейинги ойларида БПТ аъзолари О‘зЛиДеП туман Кенгаши масъул ходимлари, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашидаги партиямиздан сайланган депутатлар билан биргаликда “Гала-Ривер” кўшма корхонаси, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, “Работи Қалмоқ” ҚФЙ, тиббиёт бирлашмаси сингари бир қанча ташкилот ва муассасаларда бўлиб, тарғибот ишлари баробарида баъзи ижтимоий-иқтисодий масалаларни ўрганишди, уларнинг ҳал этилишига кўмаклашишди. Шунингдек, айрим корхоналарда ташкил этилган О‘зЛиДеП қуйи бўгинлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан маблаҳат ва йўл-йўриқлар беришди.

Аниқ саволга аниқ жавоб... НОМЗОДЛАР СЪЕЗДА САЙЛАНДИ

– О‘зЛиДеП Сиёсий Кенгашига кимлар, қай йўсинда ва қанча муддатга аъзо бўлиши мумкин?

– Партия Уставига биноан Сиёсий Кенгаш аъзолари сиёсий кучнинг олий раҳбар органи – Съездда сайланади. Энг фаол ва ташаббускор, сафдошлари ўртасида обрў-эътибор қозongan партия аъзоларига беш йил муддатга ишонч билдирилади. Сиёсий Кенгаш аъзоларининг сони Съезд томонидан белгиланади.

Сиёсий Кенгаш таркиби Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотлари томонидан кўрсатилган вакиллардан ташкил топади.

Сиёсий Кенгаш аъзоларининг вазифалари, ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари партия Сиёсий Кенгаши томонидан тасдиқланган низомларда белгилаб берилади.

Танлаган йўлимиз тўғри



сан, электротармоқ вакиллари ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, турмушини янада яхшилашга қаратилган. – деди ўз сўзида БПТ раиси, акциядорлик жамиятининг ходимлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Улугбек Маткаримов. – Айни кунларда юртимизнинг чорак асрлик тўйини муносиб нишонлаш учун қизгин ҳозирлик

О‘зЛиДеП Хоразм вилоят Кенгаши билан “GM Uzbekistan” АЖ худудий филиалидаги БПТ ҳамкорлигида Ватанимиз Мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган “Ким эдигу ким бўлди” мавзусидаги маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди. Мулоқотда корхонадаги қуйи бўгин аъзолари, партия худудий ташкилоти ходимлари, Халқ депутатлари вилоят ҳамда Ҳазорасп туман Кенгаши депутатлари – жами 400 дан зиёд киши қатнашди.

Партия вилоят Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Менглиев ўз чиқишида истиқлол йилларида эришилган улкан муваффақиятлар, О‘зЛиДеП вилоят Кенгашининг мустақиллигимизни мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссаси тўғрисида атрофлича сўз юритди.

Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги О‘зЛиДеП депутатлик гуруҳи раҳбари Бахтиёр Рўзметов мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган саъй-ҳаракатлар самаралари тўғрисида тўхталиб, мустақилликнинг илк йилларидаёқ Президентимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган миллий тараққиёт стратегияси нақадар тўғри эканлигини таъкидлади.

– Аъзоларимиз қандай ташаббуслар билан чиқишаётган бўлмасин, қандай ишларни амалга оширмасин, уларнинг барчаси эл-юрт, хусу-

кўраёпмиз. Партия юқори органлари, депутатлар ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда юксак савиядаги Хоразм тадбирлар уюштиришни режалаштиряпмиз. Зеро, “Энг намунали БПТ” кўрик-танлови республика босқичида 2-ўринга лойиқ қўрилганимиз бизни янада фаолиликка ундамоқда.

“GM Uzbekistan” АЖнинг Хоразм вилоят филиали ижрочи директори, Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгаши депутати, О‘зЛиДеП Сиёсий Кенгаши аъзоси Собиржон Жуманиязов, Ҳазорасп тумани хотин-қизлар кўмитаси раиси, Халқ депутатлари Хоразм вилоят ҳамда туман Кенгаши депутати Гулнора Матмуратова, партия Ҳазорасп туман Кенгаши раиси Қўдрат Назаров, корхона ишчиси Ҳамидбек Бобоевнинг жўшун, ҳаётий мисоллар ва фахр-ифтихор туйғуларига тўлиқ маърузалари ҳам иштирокчиларнинг Ватанимиз янги солномаси ҳақидаги тасаввурини янада бойитди.

Тадбирда санъаткорлар овоздик, хур диёримизни улугловчи куй-қўшиқлар ижро этишди. Президент асарлари ва мустақиллик солномаси бўйича савол-жавобларда иштирок этган ёшларга совғалар топширилди.

Д. ҚОБУЛОВА,
О‘зЛиДеП Хоразм вилоят Кенгаши хузуридаги СТМ раҳбари

Хусусий мулк ҳимояси муҳим

Мулк – эркинликнинг энг муҳим кафолати, инсоннинг бошқа барча ҳуқуқларининг манбаи, фуқаролар ҳимояланганлигининг асоси. Либерал, адолатли ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш бевосита бозор иқтисодиёти билан боғлиқ. Сиёсий, ижтимоий, маданий эркинлик иқтисодий эркинликсиз мавжуд бўла олмайди. Хусусий мулк ҳимоя қилиниши, хусусий ташаббуслар қўллаб-қувватланиши, рақобат, ғоялар ва янгилуқлар бозори ривожланиши туфайли бозор иқтисодиёти жадал тараққиётни, мустақил ҳаёт учун энг

мақбул имкониятни таъминламоқда. Бинобарин, бугунги кунда партиямиз дастурий ғоялари атрофида бирлашганлар хусусий бизнесни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш боробарида унга янада қулайроқ шарт-шароит, кенгрок имкониятлар яратилиши учун бор қучларини ишга солишлари талаб этилаётган.

О‘зЛиДеП Зангиота туман Кенгашида “Либерализм ғояси: хоржий ва миллий тажриба” мавзусида ташкил қилинган давра суҳбатига ана шу сингари фикрлар маҳаллий кенгашлар депутатлари, бошланғич

ташкилотлар етакчилари томонидан бот-бот тилга олинди.

Мулоқотда, шунингдек, партия вилоят ва туман кенгашлари мутасаддилари, БПТ раислари О‘зЛиДеП таянч нуқталарининг жамоатчилик назорати фаолиятини кучайтириш, бу борада уларнинг депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари ҳақида ҳам сўз юритилди.

Д. ДАРВИШОВА,
О‘зЛиДеП Тошкент вилоят Кенгаши қошидаги СТМ раҳбари

ШИРИН ҚОВУНЛАР МАМЛАКАТИ

Она Ватанимизнинг барча азиз гўшалари катори Қуйи Амударё воҳаси ҳам ўзига хос табиий-иклим шароити, тупроқ унумдорлигига эга. Айниқса, деярлик уч минг йилдан буён ҳозирги Қорақалпоғистон ва Хоразм заминининг тилло тупроғида етиштириб келинаётган тотли қовунлар таърифи тилдан тилга, элдан элга кўчиб келади. "Бийбозор бешаги", "Хива бешаги", "Хўжайли бешаги", "Чимбой бешаги", "Оққошбешак", "Тўрновотбешак", "Новотбешак", "Қорақошбешак", "Шойибешак", "Қизилбешак", "Шаббоз гурваги", "Оқгурвак", "Олагурвак", "Жийдаяпрок" ("Тарлама"), "Бекзоли", "Оқновот", "Шаккарпора", "Нонлигўшт", "Восволди", "Қора гулоби", "Қизил гулоби", "Сариқ гулоби" ("Чоржўй қовуни"), "Олоқоммо" ва бошқа қовун навлари ҳазрати деҳқонларимиз томонидан асрлар давомида тўпланган ноёб миришкорлик намуналари ҳисобланади. Болдан ширин бу бекиёс ноз-неъмат дарёнинг ўнг соҳилидаги Бийбозор, Шимом, Шаббоз, Саркоп, Сарибий, Уллубоғ, Шўраҳон, Назархон, Қувончёрма, Кенгес, Маданият, Маклалқул, сўл соҳилдаги Мухомон, Мадир, Остона, Саёт, Ҳозовот, Манок, Ширинқунгирот, Бўзқалъа, Қуюққўпир, Найман, Мамий, Қўқдарё ва бошқа ўнлаб қишлоқларимизда етиштирилади.

Янгибой ҚУЧҚОРОВ,
"XXI asr" мухбири

Ривоят қилишларича, бийбозорлик бир бой киши Шайх Аббос Вали юртидан отда муқаддас ҳаж зиёратига отланибди. У ҳуржунининг бир кўзига бир ҳовуч олтин, бир кўзига битта нон солиб йўлга чиқётганида овулнинг донишманди:

— Ҳуржуннинг бир кўзига "Бийбозор бешаги"дан биттасини, иккинчисига шу оғирликда тупроғимизни сол! — деб маслаҳат берибди.


— Нима учун? — деб сўраганида аллома унинг қулгоғига бир ўғит шивирлабди.

Бой бир қўлида учқур тулпор тизгини, бир қўлида лочин қўш билан йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Бир бийбонда унинг йўлини каллақасар қароқчилар тўсиб:

— Жонингдан умидинг бўлса, бор бисотининг чиқар! — дейишди.

— Жонингдан умидинг бўлса, бор бисотининг кўзи тўла оддий тупроқ борлигини кўриб, уни овар деб ўйлаб, ўласи қилиб қалтаклаб кетишди. Ҳушига келиб кўзини очса, тепасида вафодор от билан лочин турганимиш.

Лочин тумшуги билан ҳуржуннинг иккинчи кўзини тўқиллатибди. Бой қовунни олиб, сўйиб ебди, ҳам очлик, ҳам ташналик азобидан қутилибди. Муборак сафардан эсон-омон қайтгач, бутун бойлигини Бийбозор қишлоғида ноёб қовунлар етиштиришга сарфлабди. Пайкалда илк пишган қовунни ўша донишмандга ҳада қилибди...



Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳам сара қовун етиштириш борасида талай ишлар бажарилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 12 апрелдаги "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари

Бу бир ривоят-да, десак, айни кунда битта Бийбозор қишлоғининг ўзида қирққа яқин ноёб қовун навлари етиштирилади. Уларнинг ноёблиги шундаки, ҳандалак билан асосий қовунлар ораллиғида эрта пишадиган "тарнак" нави (оғирлиги 1-1,5 килограмм бўлади) бўқоққа қарши энг яхши даво ҳисобланади. Эртаги "гурвак" нави эса бир неча шифобахш хусусиятга эга бўлиб, энг муҳими, қон таркибини тозалашга, иштаҳани очишга, томирларни кенгайтиришга, буйракни тозалашга хизмат қилади. Энг асосийси, у инсон организмидан холестеринни ҳайдаб чиқаради. "Бешак" нави қовун глюкозанинг қони. У жигар учун ҳам ўта фойдали. Барча навли қовунлар, буюқ Ибн Сино таъкидлаганидек, юрак фаолиятига ижобий таъсир ўтказиши. Кечки қовунлар қиш пайтида ҳар қандай шамоллашга қарши энг таъсирчан воситадир.

Истиқлол шарофати тўғрисида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Қорақалпоғистон

тўғрисидаги қарори бу жараёнга янги қувват бахш этди. "Хоразм қовунлари" масъулияти чекланган жамияти биргина Жанубий Кореяга 162 минг АҚШ долларига баҳоланган сара маҳсулот жўнати. Қорақалпоғистонда ҳам бу йўналишда ибратли ишлар бажарилмоқда.

— Юртимизда етиштирилаётган етти хазинанинг етмишдан ортқ тури жаҳон бозорининг ҳар қандай нуфузли растасини беазабга қодир, — дейди биология фанлари номзода А. Аллашев. — Шулардан бири, машҳур шоир ибораси билан айтганда, тилими тилларни тилим-тилим қилган ажойиб қовунларимиздир. Асал билан тенг қовунларимизни етиштиришни такомиллаштириш, зарарқундаларига қарши курашиш, уларни сақлаш, қадоқлаш, қуришти, ички ва ташқи бозорга жўнатиш тизимини тубдан яхшилаш талаб этилади. "Ширин қовунлар мамлақати" деб ном олган саховатли юртимизнинг бу бебаҳо бойлигига бўлган эътиборни янада кучайтириш шарт!

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Мамлакатимизда суғурта бозорини ривожлантириш, унинг иқтисодий қамров доираси ва имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, суғурта инсон ва унинг манфаатларига қаратилган муҳим омиллардан биридир. "Ўзросуғурта" акциядорлик жамияти шунга назарда тутиб, суғурта ташкилотларининг фаолиятини кенгайтириш, тарғибот ва ташвиқот ишлари самарадорлигини таъминлаш масалалари юзасидан "Суғурта — журналистлар нигоҳида" танловини ташкил этди.

Севара АЗИМОВА,
"XXI asr" мухбири

— Ушбу танловдан қўзланган асосий мақсад — миллий суғурта бозорига амалга оширилаётган ислохотлар моҳиятини кенг оммага етказиш, шу орқали кишиларда суғурта маданиятини шакллантириш, тизимда амалга оширилаётган муҳим ва ибратли ишларни оммавий ахборот воситаларида атрофлича ёритишда журналистларнинг фаол иштирокини таъминлашдан иборат, — дейди "Ўзросуғурта" акциядорлик жамияти Матбуот хизмати мутахассиси Шаҳноза Умрзоқова. — Танлов ғолиблари тўрт йўналиш — матбуот саҳифаларида ёритилган энг яхши мақолалар, радио, радио ва телеканаллар орқали эфирга узатилган кўрсатув ва эшиттиришлар ҳамда интернет саҳифаларига жойлаштирилган мақолалар асосида аниқланди.

Танлов якунида Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Жиззах вилоятлари ва Тошкент шаҳри бўйича тадбирда фаол иштирок этган журналистлар "Ўзросуғурта" АЖнинг махсус дипломи, суғурта полислари ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тўй-ҳашамларда бошига дўппи, эгнига атлас кийиб юрган опа-сингилларимизни кўрсак, кўзлар қувонади, қалбимиз гурурга тўлади. Ранг-баранг ва нафис безаклар ўзаро уйғунлашиб, яхлит гўзаллик ҳосил қилган мато дилимизга яқин...



Дилноза НОМЗОВА,
"XXI asr" мухбири

Лекин қадимдан эъозланиб келинаётган матони тайёрлаш осонгина юмуш эмас. Ўзига яраша нозик томонлари талайгина. Уни тушуниб етиш учун нафақат меҳнат ва кунт, балки нозик дид ҳам зарур. Марғилонлик ёш тадбиркор Иброҳим Асқаров яратаётган адрас, атлас, беқасам матоларнинг ўз харидорлари бор.

У 2014 йилда "Шоирабегим адрас" оилавий корхонасини ташкил этган эди. Кичикроқ цехда оила аъзолари билан иш бошлаган уста-хунарманднинг жамоасида айни пайтда 10 нафардан зиёд киши меҳнат қилмоқда.

— Қадим шахримиз азалдан хунармандчилик марказларидан бири саналади, — дейди ёш тадбиркор. — Ёшлигимдан кўни-қўшнилари ёхуд қариндошларимнинг уйига чўқсам, кимдир ўймакорлик, яна кимдир бўёқ тайёрлаш билан шуғулланарди. Шу муҳитда вояга етдим. Президентимизнинг биз ёшларга яратаётган имкониятлари тадбиркор бўлишимга туртки бўлди. Ҳозирда ўзим тайёрлаган маҳ-

сулотларни маҳаллий бозорга чиқараяпман. Оилавий даромадим ошиб, хунарим орқасидан ҳурмат-эътибор топаёпман.

Орзулари бир олам Иброҳим О'зLiDePнинг фаол аъзоси, "Ёшлар қаноти" томонидан ташкил этилган лойиҳалар иштирокчиси. Партия ташкил этган тадбирларда қатнашиб, тадбиркорлик соҳасининг сир-асрорларини ўрганди, банк, солиқ соҳасидаги билимларини янада оширди. Бунинг натижаси ўлароқ "Adras house" меҳмонхонасини очди.

Ҳа, бизнес соҳасида ўз ўрнини топишга интиляётган қаҳрамонимиз доимо ҳаракатда. Келажакда ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотларни хорিজга экспорт қилиш ва тикувчилик цехи очиб ниятда.

Мухтасар айтганда, Иброҳим Асқаров бугуннинг фаол тадбиркорларидан бири. Келгусида миллий кадриятларимизни эъозлаб, халқаро кўргазмаларда мамлакатимиз доврўгини ошириб, ўз меҳнати ила юртимиз тараққиётига ҳисса қўшишига ишончимиз қомил.

ДИҚҚАТ АКЦИЯ!

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан 2016 йилда озиқ-овқат саноати соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ривожлантиришга қўмаклашиш мақсадида "O'ZLIDER ДЕПУТАТИ — ТАШАБУСКОР ФЕРМЕР ВА ТАДБИРКОРНИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ"

номли 25 номинацияли акция ўтказилмоқда. Акцияда ҳар бир депутат 2016 йилнинг январь-август ойларида инвестиция лойиҳасини амалга оширишига қўмаклашиш юзасидан олиб борилган фаолияти билан қатнашади.

Акциянинг ғолиб ва совриндор депутатлари ҳамда депутатлик гуруҳлари O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва ҳудудий партия ташкилотларининг қимматбаҳо ва эсдалик совғалари билан тақдирланади.

Мукофотлар Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан ташкил этилган тантанали байрам тадбирида топширилади.

Акция шартлари билан батафсил танишиш учун O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг Бизнес тузилмалар ва фермерлар билан ишлаш бўлими ҳамда Депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори (тел: 0-371 255-53-53) га мурожаат қилишингиз мумкин.

"Агробанк" акциядорлик тижорат банки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланаётган мулк эгалари вақтини тежаш ва уларга янада қулайлик яратиш мақсадида 130 дан ортқ туманда мониторинг марказлари ташкил этди.

Банк хизматлари фермер даласида

— Бу хизмат орқали мулкдорлар фаолиятига смарт карталар татбиқ этилмоқда, — дейди банкнинг Мониторинг марказлари билан ишлаш маркази раҳбари Муроджон Очилов. — Унда фермер хўжалигининг номи, етиштирилган маҳсулот, маҳсулот ҳажми ва қиймати каби маълумотлар кўрсатилган бўлади. Бундай карталар орқали онлайн тарзда хизматлар кўрсатилгани боис пул маблағи тегишли ташкилотларга 3-4 дақиқада ўтказиб берилади. Бу жараёнларни бажариш учун фермер банкка келиши шарт эмас, барчасини даладан туриб бемалол бажара олади. Шу жараёнда фермерларга пахта ва бошқали дон етиштиришдаги харажатлари

учун 3 фойзли сармоялар берилади. Миллий матбуот марказида "Агробанк" томонидан ўтказилган матбуот анжуманида шу каби янгиликлар хусусида сўз юритилди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида молия муассасаларининг макроиқтисодий барқарорлиги таъминланиб, тижорат банкларининг ресурс базаси янада мустаҳкамланиб бораётгани таъкидланди. Уч миллион миқоз, ҳусусан, 60 минг фермер хўжалигига хизмат кўрсатаётган "Агробанк" жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ривожлантириш мақсадида 427 миллион сўмлик кредит йўнал-

тирган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 520 миллиард сўмга яқин кредит ажратилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 132 фойз кўп демекдир.

"Агробанк" сармоялар ҳажми янада кенгайтириш мақсадида чет эл кредит линияларини ҳам жалб этмоқда. Банк фаолияти "Мудис" ҳамда "Фитч Рейтинг" халқаро рейтинг агентликлари томонидан "Барқарор" деб баҳолаб келинмоқда.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА

Рағбат ва эътироф



Истиқлол шарофати билан тамомила янгича қиёфа ва мазмун касб этиб, турфа фикрлар, нуқтаи назарлар майдони сифатида эътироф этилаётган мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари, уларда фаолият юритаётган журналистлар илғор ва изланувчан куч сифатида жамиятда юз бераётган жараёнларнинг фаол қатнашчисига айландилар.

Алоҳида қайд этиш зарурки, партияий фуқароларнинг ахборот соҳасидаги, шу жумладан, ахборот олиш, тарқатиш ва ўз гоёларини илғори суриш эркинлиги ҳамда ҳуқуқини амалга оширишга доир эркинликлари ва ҳуқуқларини таъминлаш фуқаролик жамиятини ривожлантиришининг тамал тоши, деб ҳисоблайди. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, сўз ва оммавий ахборот воситалари эркинлиги, шунингдек, амалга оширилаётган ислохотлар очқлиги ва ошқоралигини таъминлашга қаратилган демократик тамойилларни ҳаётга янада чуқуროқ татбиқ этиш O'zLiDeP фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолаётди.

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан партия фаолиятини ОАВда ёритишда фаоллик кўрсатаётган бир гуруҳ журналистларни тақдирлаш мақсадида ўтказилган тадбирда ана шундай фикрлар билдирилди. Партия фаолия-

тини ёритишда ўз билим ва иқтидорини, меҳнатини аямаган журналистлар алоҳида эътироф этилди. Таъкидланганидек, бугунги кунда O'zLiDeP мамлакатимизда фаолият юритаётган кўлаб оммавий ахборот воситалари билан ҳам мустаҳкам алоқа ўрнатган. Уларда сиёсий куч ҳаётига оид материаллар доимий равишда эълон қилинмоқда. Ҳамкорликда олиб борилган ишлар туфайли республика ва маҳаллий ОАВларда партия тадбирлари тўғрисида ўтган йили 15863 марта, жорий йилнинг шу даврига қадар 8971 марта батафсил маълумот берибди.

Байрам тадбирида сўзга чиққанлар эришилаётган ютуқларда журналистларнинг ҳам муносиб ўрни борлигини эътироф этиб, соҳа вакилларини табриқладилар.

Тадбир якунида O'zLiDeP фаолиятини оммалаштиришда жонбозлик кўрсатган бир гуруҳ ижодкор журналистлар партиянинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз



Сайфулла ИКРОМОВ,
"XXI asr" мухбири

Болажонлар интизорлик билан кутган ёзги таътил онлари қизгин давом этаётир. Ҳар йилгидек бу йил

ЁЗГИ ТАЪТИЛ ГАШТИ ЎЗГАЧА

лашмасининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудир, O'zLiDeP фаоли Баҳром Сатторов. — Мақсадимиз болаларни соғломлаштириш билан бир қаторда уларнинг маънавиятини шакллантириш, интеллектуал салоҳиятини ошириш ҳамда мустақил Ватанимизга содиқ инсонлар бўлиб улғайишлари йўлида ғамхўрликни янада кучайтиришдан иборат. Жорий йил воҳамиз оромгоҳларида 26 440 нафар бола дам олади. Улардан 1600 нафари кам таъминланган оила фарзанди, 90 нафари Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси, 100 нафарини бепул йўлланмалар билан таъминлаш режалаштирилган. Шунингдек, "Шўртангазим" мажмуасига қарашли

"Лочин" оромгоҳида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятдан келган 500 нафар бола бепул дам олади.

Соғломлаштириш мавсумини мазмунли ўтказиш учун тадбирлар режаси ҳам ишлаб чиқилган. Унга кўра дам олувчилар ўртасида турли танловлар, спорт мусобақалари ўтказилиб, музейлар, истироҳат боғлари ва табиат қўйнига саёҳатлар уюштирилади. Бундан ташқари, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида болалар учун мўлжалланган давра суҳбатлари, театр томошалари, концерт дастурлари намойиш этилиб, йигит-қизлар турли тўғарақларда билим ва маҳоратларини оширадилар.

КАРОР ВА ИЖРО

ЯНГИ РЕГЛАМЕНТ ДОН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Халқимиз энг қадрли неъматларни "нондек азиз", "нондек муътабар", дея таърифлайди. Мамлакатимиз гербида галла бошоғи тасвири туширилгани ҳам ўзбек халқининг бугдойга, нонга алоҳида ҳурмат-эътибори ифодасидир. Зеро, нон дастурхонимиз кўрки, фаровон ҳаётимиз белгисидир.

Мамлакатимизда барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қатори бошоқли ва дуккакли экинлар етиштириш ҳажми ортмоқда, уларни қайта ишлаш кенгаймоқда. Бу маҳсулот етиштириш агротехникасини ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва фойдаланиш меъёрларини такомиллаштиришни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 31 мартдаги "Дон хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида"ги қарориди соҳага доир ягона талаблар белгиланди.

Қарорга кўра мамлакатимиз ҳудудида муомалага чиқариладиган дон, уни етиштириш, сақлаш, ташиш, муомалага чиқариш, утилизация қилиш жараёнларига қўллаш ва бажариш учун ягона ва мажбурий бўлган хавфсизлик талаблари қабул қилинди. Донни тамғалаш ва қадоқлаш бўйича муайян мажбурий талаблар ўрнатилди.

Хар бир маҳсулотга қўйилган алоҳида стандартлар талабларини бажариш экспорт ёки импорт билан шугулланиш истагиди корхоналарга муайян қийинчилик туғдираётган эди, - дейди "Дон маҳсулотлари илмий ишлаб чиқариш маркази" масъулияти чекланган жамияти директори, техника фанлари доктори Дилором Ғафурова. - Янги техник регламентга кўра, эндиликда бу стандартларнинг талаблари умумлаштирилиб, 29 турдаги озиқ-овқат ва озуқа ем экинларига қўлланилади. Техник жиҳатдан тартибга солиш бўйича халқаро норматив ҳужжатларга мос бу регламент тадбиркорларга бир қатор энгилликлар яратади. Мазкур техник регламент 2017 йилнинг 11 октябридан кучга киради.

Регламент, дон экинларининг қайси мамлакатда етиштирилишидан қатъи назар, биринчи навбатда, инсон ҳаёти ва соғлиғини, атроф-муҳитни, ҳайвонлар ва ўсимликларни муҳофаза қилиш, юридик ва жисмоний шахслар ҳамда давлат мулкани асраб-авайлашни назарда тутди. Регламентни ишлаб чиқишда маҳаллий шарт-шароит ва эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда халқаро тажриба ҳам чуқур ўрганилган.

Техник регламент асосида тартибга солинадиган маҳсулотлар сирасига қаттиқ ва юмшоқ бугдой, жавдар, тритикале, сули, арпа, тарик, шоли, маккажўхори, ловия, нухат, ясмик, мош, бурчоқ, соя, рапс, зигир, ерёнғоқ, кунжут, пахта, хантал ва бошқалар кирди. Шу каби озиқ-овқат ва озуқа ем мақсадларига мўлжалланган донда токсик элементлар, бензолпирен, пестицидлар, радионуклидлар, зарарли аралашмалар ва дон зарарланганлигининг чегаравий рўхсат этиладиган даражалари, қадоқлашга бўлган санитария-гигиена талаблари ҳам ўз ифодасини топган. Озиқ-овқат ва озуқа емга мўлжалланган дон регламентда ўрнатилган талабларга жавоб берган тақдирдагина муомалага чиқарилади. Фермерлар ёки тадбиркорлар томонидан

етиштирилган донни истеъмолчиларга етказиб беришда унинг регламент талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги маълумотга эга бўлган товар - кузатувчи ҳужжатлари талаб этилади. Шу боис эндиликда маҳсулотлар бир жойдан иккинчи жойга юборилаётганда ана шу ҳужжатлар билан бирга ҳайвонларнинг келтириш керак. Агар доннинг техник регламент талабларига мувофиқлиги тасдиқланмаган бўлса, уни муомалага чиқариш ман этилади.

Доннинг сифатли сақланишини таъминлаш ҳам жиддий масала. Шу боис регламент донни сақлаш ва қайта ишлашда унинг ишончилиги ва барқарорлигини таъминлаш мақсадида хавфсизлик даражасини ошириш учун янги замонавий технологиялар ҳамда дон хавфсизлигини баҳолаш усулларини жорий этишни тезлаштиришда муҳим омил бўлади. Донни тамғалаш ва қадоқлашга бўлган муайян талабларни ўрнатиш ҳисобига истеъмолчиларни қўлқўришни ҳаракатларнинг олди олинди, доннинг рақобатбардорлиги эришилди.

- Янги ҳужжат ишлаб чиқариш жараёнида хавфли вазиятларнинг юзасига келишини минималлаштирилади, - дейди Д.Ғафурова. - Регламентнинг халқаро талабларга мослиги ташқи савдодаги техник тўсиқларни бартараф этади. Ишлаб чиқаришни модернизациялаштириш ва ривожлантириш учун шароит яратилади, доннинг сифатини ҳамда рақобатбардорлигини ошириш имконияти кенгайди.

"Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компаниясидан олинган маълумотларга кўра, қарор ижросини таъминлаш мақсадида тизимдаги корхоналарда умумий техник регламентнинг мақсади, мазмуни ва уни қўллаш тартиби бўйича тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Соҳа вакиллари билан биргаликда техник регламентни амалда қўллаш масалалари бўйича семинарлар ўтказилиб, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар ташкил этилмоқда. Ишлаб чиқилган техник регламент асосида "Донни қайта ишлаш маҳсулотлари хавфсизлиги тўғрисида" махсус регламент тайёрланмоқда.

"Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси тизимидаги 44 корхонанинг ҳаммасида синов лабораторияси мавжуд. Бу синов лабораторияларини замонавий, янги модификациядаги ўлчов воситалари ва асбоб-ускуналар билан қўшимча таъминлаш, янги синов усулларини ўзлаштириш тадбирлари амалга оширилмоқда.

"Дон хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорга риоя этиш сифатли ва хавфсиз маҳсулот тайёрлаш, экспорт ва импортни ҳар томонлама тартибга солиш, донни сақлаш ва ташишни тўғри ташкил этишда, шу орқали истеъмолчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ў.А.

Ёз. Жазирама. Ана шу паллада автомобилда кетаяспиз. Йўлда эса машиналар турнақатор тизилган. "Уфф... яна тирбандликми?" дейсиз беихтиёр. Ушбу ҳолат асаб толаларингизни таранглаштиради, барибир чидашга мажбурсиз. Зотан, катта шахарнинг ташвиши ҳам катта бўлганидек, узоғимизни яқин, мушқуллимизни осон қилишга мўлжалланган транспорт воситаларининг бу каби ноқулай томонлари ҳам бор.

Бугун бу нозик масалани ечишда дунё ҳамжамияти йўл инфратузилмасини янада ривожлантириш, кўприк ва ихтисослашган йўллар қуришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шундай бўлишига қарамадан тирбандлик қамаймаяпти. Аксарият мамлакатлар эса аллақачон фан-техника оламида кўплаб инновацион лойиҳаларга қўл уриб, уларни ҳаётга татбиқ этишга интилишмоқда. Мақсад битта. Қандай бўлмасин, тирбандликни қамайтириш ва транспорт қатновини кўнглидагидек йўлга қўйишдир. Излаган имкон топади, деганларидек, самара ҳам қўтилганидек. Ажаб эмас, яқин келажакда бундай кашфиётлар ҳайдовчиларни тирбандлик исканжасидан қутқарса...

Фикримизни мисоллар ёрдамида тўлдиримиз. Кўпчиликка яқин маълумки, Таиланд маркази - Бангкок дунёда автомобилга қатновини энг тирбанд шахарлар сирасига кирди. Шу боис бу ерда велосипедларни жамоат транспортига айлантиришга жиддий эътибор қаратиляпти. Мамлакат ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган лойиҳага биноан, метро, автобус ва шахар электропоезд бекатлари атрофида кўплаб велосипед тўхташ жойларини барпо этиш ва уларни ижарага бериш мўлжалланмоқда. Бу эса велотранспортдан фойдаланувчи йўловчилар учун кўплаб қулайликлар яратади. Энг муҳими, ҳавога чиқарилаётган зарарли газлар миқдори қамайди. Қизғин, ижарага берилмаётган велосипедларнинг биринчи ўн беш дақиқаси бепул, қолган вақтда эса соатига қараб пул тўланади.

АҚШда эса светофорларга ҳам, тирбандликка ҳам бўйсунмайдиган транспорт воситасини яратиш устида тинимсиз изланиш олиб борилди ва қўзланган мақсадга қисман эришилди. Хусусан, айни пайтда Aerofex компанияси томонидан учар мотоцикллар синовдан ўтказилмоқда. Маълумотларга қараганда, улар 2017 йилдан бошлаб тижорат учун ишлаб чиқарилади. Ҳавода ҳаракатланадиган ушбу транспорт асосини иккита ҳаво парраги ташкил этиб, улар кўтариш кучини юзга келтиради. Ишлаб чиқувчиларнинг айтишича, уни бошқариш оддий мотоциклдан қийин эмас. У ердан салкам 4 метр баланликда соатига 72 км тезликда парвоз қилади ва 140 кг юкни кўтаришга ҳамда белгиланган меъёрга эгилги билан ҳавода 1 соатдан зиёроқ уча олади.

Ўтган йили NASA космик агентлиги ҳам бу борада янгиликка қўл уриб, келажак автомобили прототипини тақдим этган эди. Бу қурилма ҳаминша тирбанд шахар кўчаларига мўлжалланган электромобилдир. Янги транспорт воситасининг ўзига хослиги шундаки,

қизгача хизмат кўрсатади. Компаниянинг маълум қилишича, вертолёт-такси хизматининг баҳоси ер устида ҳаракатланадиган таксилардан тахминан тўрт баробар қиммат, лекин шундай бўлса-да, вертолёт йўловчиларни ўз манзилларига тўрт баробар тезроқ етказди.

Шахар маъмуриятининг бундай қарорга келишининг боиси Сан-Паулу

сифатида Себзор кўчаси бўйлаб Абдулла Қодирий кўчаси устидан ўтадиган янги кўприк қурилади.

Илгари бу чорраҳада иккита катта кўча кескилар, оқибатда тирбандлик юзасига келиб, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг орқича вақт йўқотишига, ёқилги сарфи ошиб, атроф-муҳит ифлосланишига сабаб бўларди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси би-


Тирбандликнинг чораси топилди (ми?)!

у манёврлар қилишга мўлжалланган. Уни ҳатто ёнбош билан парковка қилиш мумкин. Modular Robotic Vehicle номли ушбу электромобилни масофадан туриб ҳам бошқарса бўлади.

Дунёнинг автомобиль тирбандлиги кўп қузилмайдиган шахарлар статистикасига мувожаат қилайлик. Бу борада қимматли маълумотни сақлаб қолмоқда? INRIX компаниясининг Европа мамлакатлари миқёсида олиб борган ўрганишларига қараганда, ҳайдовчилар учун энг муаммоли шахар Лондон дея эътироф этилган. Айтиш жоиз: йўлларнинг тирбандлик даражаси муайян масофани эркин ўтишга кетадиган вақтни бу йўналишни тизиг соатларда ўтишга кетадиган вақт билан таққослаш орқали ҳисобланади. Ўтган йили лондонлик ҳайдовчилар ўртача 101 соат тирбандликда турганлар, бу 2014 йилдаги кўрсаткичдан 5,2 соатга кўпрокин ташкил қилган. Германиянинг Штутгарт шаҳридаги ҳайдовчиларнинг эса тирбандлик туфайли 73 соат вақтлари беҳуда кетган. Эътиборлиси, бу кўрсаткич 2014 йилдан 8,5 соатга кўпдир. Бельгиянинг Антверпен шаҳри ҳақида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин.

Компания таққослаш учун АҚШдаги йўлларнинг тирбандлиги даражасини ҳам келтирди. Бу борада Лос-Анжелес етакчи бўлди. Вашингтон иккинчи, Сан-Франциско эса учинчи поғонани банд этди.

Хўш, океан орти мамлакатлари, хусусан, шу муаммо қаршисида бир неча йиллардан бери оғир Бразилияда аҳвол қандай? Ҳукумат мазкур вазиятга ёндашишда қай йўлдан бормоқда? Маълумотларга қараганда, мамлакатнинг Сан-Паулу штатида Uber такси сервисини йўловчиларни вертолётларда ташиш лойиҳасини йўлга қўймоқда. Мижозларга мобил қурилмаларидаги Uber иловаси орқали вертолёт буюртма қилиш хизмати таклиф қилинади. Бирок бундай такси хизмати мижозини штатнинг вертолёт қўнишга рўхсат берилган тўққизта нуктасигагина етказиб қўйиш ва у ердан олиб кетиши мумкин. Мазкур хизмат мижозлар учун хар қуни эрталаб соат еттидан то кечки сак-



ги автомобиль тирбандлиги баъзан 300 км. гача қўзилаётгани сабаб бўлаётди. Айниқса байрам кунлари бу ҳолат кўп қузилмоқда. Шахар маъмурияти қўчаларни транспортдан сал бўшатиш учун барча чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Хусусан, кундуз кунлари махсус жадвалга асосан юк машиналарининг ҳаракатини чеклашга ҳам борилмоқда.

Жаҳоннинг ривожланган шахарлари қаторида ўз ўрни ва мавқега эга бўлган пойтахтимиз Тошкент ва юртимизнинг бошқа шахарларида ҳам транспорт қатновини самарали йўлга қўйиш, тирбандликларни олдини олишга қаратилган кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, замонавий йўлга кўприклар бунёд этилаётгани аҳолига кенг қулайлик яратмоқда. Мисол учун, Тошкентнинг Хадра майдонида 2013 йили улкан қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилган эди. Аҳоли ва транспорт воситаларининг ҳаракатланиш учун қулай имконият яратиш мақсадида Фурак кўчасини Зарқайнар ва Себзор кўчалари билан боғлайдиган ер ости автомобиль йўли реконструкция қилинган. Бунинг узвий давом

лан бу ерда эни 26, узунлиги қарийб 500 метр бўлган замонавий кўприк бунёд этилди. Абдулла Қодирий кўчасининг хар бир йўналиши тўрт полосали қилиб кенгайтирилди. Шу лойиҳага Себзор кўчасининг ўтказувчанлик имконияти соатига 3200 автомобилни ташкил этган бўлса, 6 қаторли кўприк қурилиши самарасида бу кўрсаткич 9800 тага етди. Абдулла Қодирий кўчасида ҳам энди автомобиллар қатнови 2400 тадан 5600 тага ортди. Бу нафақат ушбу чорраҳадаги тирбандликни бартараф этади, балки Нурафшон, Абай, Олмасор, Зулфияжонни, Қорасарой, Сағбон, Зарқайнар, Навоий, Сақичхон кўчаларидаги қатновга ҳам ижобий таъсир қилади. Эътиборлиси, шундай катта чорраҳада биронта ҳам светофор йўқ. Йўловчилар ҳам, автомобиллар ҳам бу ерда тўхтовсиз ва хавфсиз ҳаракатлана олади.

Кўришни турганидек, аутоволлар билан боғлиқ мазкур муаммо ўз-ўзидан хал бўлиб қолмайди. Бунинг учун йўл инфратузилмасини яқинлаш устида доимий тарзда изланишлар олиб бориш зарур.

Ахбар МУЗАФФАРОВ

Кейинги йилларда мамлакатимизда мустақкам иқтисодий инфратузилмага эга бўлган, халқаро андозаларга мос фонд биржаси шаклланди. Бу ҳам бозор ислохотларининг яна бир самарасидир. Зеро, жойларда янги корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш, ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш бугун хар қачонгидан катта аҳамият касб этимоқда.

ФОНД БОЗОРИ: КЕЧА ВА БУГУН



Нигоҳа НИШОНБОВА, XXI asr мухбири

Президентимизнинг 1994 йилдаги "Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида мувофиқ "Тошкент" республика фонд биржаси ташкил этилган эди. Биржанинг асосий вазифаси давлат тасаруфидан чиқариладиган корхоналар ўрнида қайта ташкил этиладиган акциядорлик жамиятларига тегишли қимматли қозғоларнинг очиқ-ошқора савдосини йўлга қўйиш, уларга бўл-

ган талаб ва таклифларнинг нисбатини аниқлаш орқали нархларнинг эркин шаклланишини таъминлаш, ушбу жараёнга хорижий инвесторларни кенг жалб этиш, қимматли қозғолар савдосини амалга ошириш учун зарур шарт-шароит яратишдан иборатдир.

Кўрсаткичларга назар ташлайдиган бўлсак, 2016 йилнинг ўтган беш ойи давомида мазкур биржада қимматли қозғолар билан амалга оширилган савдо айланмаси сўнгги беш йилнинг айни даврига нисбатан 104,4 млрд. сўмни ташкил этди. Йил бошидан бери 72 та акциядорлик жамиятининг 73,9 млн. сўм ҳажмдаги қимматли қозғолари билан 1701 та битим имзоланди.

Таъкидлаш жоизки, савдо айланмасида асосий инвесторлар - кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши ортиб бормоқда, - дейди республика фонд биржаси бошқаруви раиси Алишер Юлдошев. - Бу эса мамлакатимизда хусусий мулк эгалари ва инвесторлар ҳуқуқларининг дахлсизлиги таъминланганлиги, улар учун зарур қонуний-меъёрий асослар яратилганлиги билан изоҳланади. Энг муҳими, одамларнинг акциядорлик жамиятлари таклиф этаётган қимматли қозғоларга ишончи ошиб бормоқда. Ростдан ҳам қимматли қозғолар қўшимча даромад манбаига эга бўлишда қулай имкониятдир. Йилнинг ўтган беш ойи давомида биржанинг умумий савдо айланмасида жисмоний шахслар улуши 25 фоизга ошиб, 25 млрд. сўмга етди. Хусусан, биржа савдолари орқали қимматли қозғолар учун қиритилган инвестициялар жами ҳажми 11,4

млрд. сўмни ташкил этганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Юртбошимизнинг 2012 йил 19 мартдаги "Фонд бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан Ўзбекистон фонд бозори учун қиймати 6 млн долларни ташкил этадиган Ягона дастурий лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Корея Республикаси фонд биржаси билан ҳамкорликда рўёбга чиқариладиган ушбу лойиҳадан мақсад ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, шу орқали республикамиз фонд бозорини янада ривожлантириш, қимматли қозғолар савдосини ташкил этишнинг замонавий технология ва усулларини амалиётга тадбиқ этиш, инвесторлар учун қулай имкониятларни вужудга келтиришдан иборат.

Мамлакатимиз фонд бозорини модернизация қилиш дастури доирасида Ягона техник мажмуани яратиш, бунинг учун талаб қилинадиган сервер ва телекоммуникация ускуналарини ўрнатиш, уларни синовдан ўтказиш ишлари аллақачон бошлаб юборилган, - дейди Корея фонд биржаси мутахассиси Чи Ху Канг. - Бундан ташқари "Тошкент" РФБ, Марказий депозитарий, инвестиция воситачилари ва фонд бозорининг бошқа мутахассисларини янги дастурий тизимлар билан ишлашга ўқитиш, шунингдек, синов операциялари ва қимматли қозғолар савдоси имитацияси (Mock market) ни ўтказишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ҳамкорлик, ана шунда соҳадаги илгор тажрибаларни оммалаштириш ва икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш имконияти туғилади.

ЎзLiDeP ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ МАТБУОТ ФИДОЙИЛАРИ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ 27 ИЮНЬ - КАСБ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ. СИЗ, АЗИЗЛАРГА МУСТАҚКАМ СОҒЛИҚ, ХОНАДОНИНГИЗГА ҚУТ-БАРАКА, ИЖОДИЙ ИШЛАРИНГИЗГА УЛКАН МУВАФФАҚИЯТЛАР ТИЛАЙМИЗ.

ҲОЗИРЧА БИТТА КУМУШ ВА 2 ТА БРОНЗА...

Тбилиси шаҳрида оғир атлетика бўйича 20 ёшгача бўлган спортчилар ўртасида жаҳон чемпионати ўтказилди. Ҳамюртларимиз ҳозирча 1 та кумуш ва 3 та бронза медалига сазовор бўлишди. Терма жамоа-

миз ҳисобига кумуш медални Шаҳод Худойбергандов (-77 кг) тақдим этди. Умидли спортчимиз даст кўтаришда 145 кг натижа билан 9-ўринни, силтаб кўтаришда эса 184 кг натижа билан 2-ўринни эгаллади.

Қизлар мусобақасида иштирок этган Муаттар Набиева даст кўтаришда 95 кг, силтаб кўтаришда 112 кг, иккикураш якунига кўра 207 кг. тошни ўзига бўйсундириб, бир йўла учта бронза медалига сазовор бўлди. Бугун яна бир спортчимиз Фарҳод Собиров (-94 кг) баҳсларга киришди.


ТЕННИСЧИМИЗ ГАЛАБА ҚОЗОНДИ

Грузияда ўсмирлар ўртасида ташкил этилган "Alex Metreveli Cup - 2016" халқаро турнирида ўзбекистонлик Олеса Ким биринчи галабасини нишонлади. Россиялик Милена Кучеровага қарши қорғатта чикқан теннисчимиз рақибасини 7:6, 5:7, 7:5 ҳисобида маглубиятга учратди. Энди Олеса



иккинчи даврада грузиялик Анна Макацария ва россиялик Анастасия Тихонова баҳсида голиб чикқан теннисчи билан беллашади.

"ТОШКЕНТ ЁЗИ - 2016" БОШЛАНДИ



Йилдан йилга нуфузи ошиб бораётган "Тошкент ёзи - 2016" шахмат мусобақаси икки гуруҳда ўтказилди. А гуруҳда халқаро рейтингга эга бўлган 50 нафар истеъдодли спортчи дона сурмоқда. Иштирокчилар орасида турли мусобақаларда юқори натижаларга эришган тажрибали ва ёш спортчилар Мақсад Сапаев, Иномжон Шоймуродов, Ҳалим Тўраев, Умида Чоршанбиева, Райҳона Дониёрова, Светлана Чайкина кабилар бор.

Б гуруҳда эса 14 ёшгача бўлган 150 га яқин ўсмирлар ўзаро баҳс олиб бормоқда. Янги-янги истеъдодларни кашф этаётган турнирда бу йил ҳам Тошкент шаҳри ва деярли барча вилоятлардан талабгорлар голиблик учун дона сурмоқда. Мазкур турнир 9 турдан иборат бўлиб, рейтинг очкоси бериши билан ҳам аҳамиятлидир.

Маъруф РАХМОНОВ
тайёрлади

Абдурауф ФИТРАТ

ХАЁТ АҚИҚАТЛАРИ

Инсоният ҳаётида зироат ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Башарият ўзига зарур моддаларнинг кўпчилигини шу санъат воситасида қўлга киритди. Оламнинг ҳар бир нуқтасида, хусусан, бизнинг мамлакатимизда ҳам зироат юқори ўринда туради. Ҳа, мамлакатимизда зироатга катта аҳамият берилгандир. Зеро, мамлакатимиз, энг аввало, зироатга мослашган давлатдир ва одамларимизнинг кўпчилиги зироат билан шугулланишади.

Франгистон ва, хусусан, Япон ерлари зироатга мослашмаган. Бинобарин, уларнинг сергайрат аҳолиси тоғлар этагига турли хил дорилар селиб, деҳқончилик қилишади. Агар бизникидақа ерлар японларда бўлганда борми?..

Имом Бухорий куйидаги ҳадисларни келтирган: "Мусулмон дарахт экиб, экин-тикин қилса ва унинг ҳосилидан одамлар, ҳайвонлар ё паррандалар еса, бу ўша мусулмоннинг садақа бергани каби бўлади". "Кимнинг ери бўлса унда ишласин, агар ишлашга қуввати бўлмаса, бировга берсинки, у ишлатсин. Агар буларни қилмаса, унинг ери мен ундан ҳеч яхшилиқ кўрмадим, дейди".

Ер ости бойликлари ва зироат маҳсулотларини қўл ё табиий куч воситасида бошқа шаклга келтиришга аъмол санъати (касб-хунар) дейилади. Бу санъат ёки бу соҳа маҳсулотлари турли дастгоҳлар, фабрика-завудларда зарур ашёларга айлантирилиб, олди-сотди учун бозорга олиб чиқилади. Масалан, буғдой зироатчилик маҳсулоти. Уни ун, унни эса нон қилиб сотиш аъмол санъатига киради. Бу саноат инсон ҳаёти учун ниҳоятда зарурдир.

Агар соҳалар орасида шу хилдагилари бўлмаганда одамларнинг иши мушкул кечарди.

Ҳозир ҳам қадимий хунарларимиз ҳар бир жойда мавжуд, йўқолиб кетгани йўқ. Масалан, алача, яхши сифатли гиламлар бизда тўқилади, тўқилган ҳарир матоларимиз алача ва гилам каби жаҳонни ҳозир ҳам ҳайратга солади.

Бу табиий ва зарурий бир амрдир, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки одамлар доимо нафис ва чиройли нарсаларга ўч бўлади. "Кимнинг ери экан, касбу корининг ривож топишини хоҳлаган ҳар бир киши ўзининг меҳнат маҳсули бошқаларникидан паст бўлиб, назардан четда қолмаслиги учун ҳаракат қилиши зарур.



ЕВРО - 2016:

ЭНДИ ДУРАНГ БЎЛМАЙДИ

Франция мезбонлик қилаётган футбол бўйича Европа чемпионати ўзининг авж палласига кирди. Нимчорак финал баҳсларида голиб бўлган 8 жамоа - Польша-Португалия, Уэльс-Бельгия, Германия-Италия, Франция-Исландия жупликларидир.

Чорак финал баҳслари 1-4 июль кунлари бўлиб ўтади.

Табрик

"ЎЗВИНОСАНОАТ ХОЛДИНГ" ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ



Мамлакатимизда фаолият
юритаётган барча журналистларни
27 июнь - Матбуот ва оммавий
ахборот воситалари ҳодимлари кунини

билан самимий муборакбод этади.

Хонадонингизга файзу барака,

ўзингизга сиҳат-саломатлик ва

ижодий парвозлар тиллаб қоламиз.

Байрамингиз муборак бўлсин!

Хизматлар лицензияланган

Реклама

Ҳурматли юртдошлар!



"Асака" банк

яқинлашиб келаётган "Мустақиллик кунини" байрами муносабати билан миллий валютада қуйидаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

"МУСТАҚИЛЛИК - 25"

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 7 ой бўлиб, омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.



Шу билан биргаликда, "Асака" банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қўлай шартларда омонат турларини таклиф этади.

Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефонлар	Филиаллар	Код	Телефонлар
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фаргона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!

- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!

- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ичтиралишида!

- миқдори чекланмаган!

"Асака" банк - сармоянгни сақланишини ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган



ЎТМОИЙ-СИЙОСИЙ ГАЗЕТА
НАФТАЛИК НАШР
МУАССИС: TADBIRKORLAR VA
ISHBILARMONLAR HARAKATI
- O'ZBEKISTON LIBERAL-
DEKORATIK PARTIYASI

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир хайъати:

Содиқон ТУРДИЕВ
Дилшод ШОУМАРОВ
Алишер СУЛТОНОВ
Абдумажид КАРИМОВ
Алишер ШАЙХОВ
Иқбол МИРЗО

Кувондик САНАҚУЛОВ
Тўлқин ЭШНАЗАРОВ
Адҳам ШОДМОНОВ
Расул КУШЕРБАЕВ
Виктор ПАК
Бегмат СЧИЛОВ

Таҳрират манзили:
Тошкент шаҳри,
Нукус кўчаси, 73А-уй.

электрон почта:
xxi_a_sr@mail.uz

Телефонлар:
қабулхона - 215-63-80
(тел./факс).

Котибият - 281-40-17
Реклама ва шартнома-
лар бўлими - 215-60-45,
255-68-50

"XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июн-
да 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

"Ўзбекистон" НМИУ боғнаҳонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.
Ҳажми - 4 босма табоқ.

Буюртма рақами: S 6364 Тираж: 12178
Баҳоси келишилган нарҳда. Топширилди - 20:00

Таҳриратта келган қўғозлар тақриз
қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

© "XXI asr" дан олинган маълумотларда манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳрират нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материаллари учун таҳрират
жавобгар эмас.

Газета таҳрират компьютер марказида
теризди ҳамда дизайн

Маъруфжон Раҳмонов
томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-497X



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

Набатчилар:
Б. ИСРОИЛОВ, Ш. РАҲИМОВ